Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 29 август 1973 йил, чоршанба ◆ № 203 (15.677). ◆ Баҳоси 2 тийин.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. «Коммунизм» колхози пахтакорлари Ленин районида биринчи бўлиб, пахта теримини бошлаб юбордилар. Теримнинг дастлабки кунидёқ 150 дан зиёд чевар теримчи пайкалга тушди. Суратда: илғор теримчилардан Ширмон Қодирова ва Шаҳзода Аҳмедовалар. Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Партия Марказий Комитети СССР Енгил саноат министрлигининг пойафзал, кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг қарорларини қандай бажараётганлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтиладики, кейинги йилларда мамлакатда енгил саноат қувватларини кўпайтириш ва уни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш юзасидан катта-катта тадбирлар амалга оширилди. Етти йил мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг асосий фондлари деярли икки баравар кўпайди. Тўққизинчи беш йилликнинг икки йили ичида бу тармоққа 2,3 миллиард сўм маблағ сарф қилинди, 197 йирик фабрика ва комбинат ишга туширилди. Шу вақт мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш 9,6 процент кўпайди, маҳсулот турлари ортди, савдо корхоналарига янги товарлар кўпроқ туша бошлади.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети қуйидагиларни қайд қилди: СССР Енгил саноат министрлиги билан иттифоқдош республикаларнинг Енгил саноат министрликлари маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш ишини қайта қуриш соҳасидаги партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми талабларини бажаришда суст кашлик қилмоқдалар, корхоналар фаолиятига баҳо беришда аҳолининг ўсиб бораётган талабини етарли равишда ҳисобга олмаётирлар. Министрликларга берилаётган ёрдамдан улар лозим даражада самарали фойдаланмаётирлар, бу тармоқда ҳом ашё ресурсларидан рационал фойдаланиш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш асосида лолларнинг сифатини планли равишда ошириш ва турларини кўпайтириш соҳасидаги иш программаси ишлаб чиқилмаган. Буюмларни моделлаш ва конструкциялашга етарли эътибор берилмаётир, шунинг оқибатида кўп миқдордаги кийим-кечак ва пойафзалнинг моделлари ва фасонлари, гули ва безаги бир хил қилиб чиқарилмоқда, янги модали моллар жуда кам тайёрланмоқда, моделлории корхонадаринг ўзида тайёрлаш иши яхши йўлга қўйилмаган.

Кўпгина фабрика ва заводларда ишлаб чиқариш ва технология интизомининг савияси ҳамон паст. Пардозлаш операциялари миқдорини қисқартариш, стандартлардан ва маҳсулотларнинг савдо ташкилотлари билан келишиб олинган намуналаридан четга чиқиш ҳоллари содир бўлмоқда. Брақка қарши курашда техника назорати бўлимларининг ва инженер-техник ходимларнинг роли пасайтириб юборилган.

Молларнинг турлари бозор талабларига мос келмаётганлиги оқибатида маҳсулотнинг кўп хиллари касод бўлиб қолмоқда, савдо ва саноат омборларида туриб қолмоқда, бу эса давлатга катта моддий зарар етказади.

Енгил саноат министрликлари тармоқ корхоналарини кадрлар билан етарли равишда таъминлаш ва уларнинг ўрнашиб қолиши учун зарур тадбирларни кўрмаётирлар, уларнинг малакасини ошириш тўғрисида ҳамда уларнинг меҳнат қилиши ва яшаши учун яхши шароитларни яратиб бериш ҳақида доимий ғамхўрлик қилмаётирлар. Маҳсулот сифатини оширишга доир ишда социалистик мусобақа ва илғор ишлаб чиқариш коллективларининг тажрибасини оммалаштириш каби қудратли омиллардан дуруст фойдаланилмаётир.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш соҳасида вужудга келган аҳвол, деб таъкидланади қарорда, айрим иттифоқдош республикалар, ўлкалар ҳамда областларнинг партия ва совет органлари КПСС XXIV съездининг истеъмол моллари сифатини тубдан яхшилаш ва турларини кўпайтириш тўғрисидаги қароларидан лозим бўлган хулосаларни чиқариб олмаганликларини ҳамда бу масалаларга ҳамой иккинчи даражали масалалар деб қараб келаётганликларини, енгил саноат ва халқ хўжалигининг бу саноат билан боғланган тармоқлари, корхоналари, тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари ишидаги катта-катта камчиликларга муросасозлик билан қараётганликларини ҳам кўрсатиб турибди.

Химия саноати министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда Енгил саноат ва Озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор асбоблари министрлиги енгил саноат корхоналарини сифатли хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, шунингдек бу тармоқни серунум асбоб-ускуналар билан қуроллантириш масалаларини ўз вақтида ҳал этмаётганлиги қарорда таъкидлаб ўтилган.

Енгил саноат моллари билан, жумладан кийим-кечак, трикотаж буюмлари ва пойафзал билан савдо қилишни ташкил этишда катта камчиликлар бор. СССР Савдо министрлиги, Центросоюз ва уларнинг жойлардаги органлари аҳолининг молларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжи тўғрисида тўла-тўкис маълумотларга эга эмаслар, буюртма беришда нуқсонларга йўл қўймоқдалар, мол ресурсларидан талабга қараб зарур даражада омилкорлик билан фойдаланишда оперативчилик кўрсатмаётирлар. Кийим-кечак ва пойафзал сотувчи ихтисослаштирилган савдо тармоғи суст ривожлантирилмоқда. Кўп жойларда улгуржи савдо базаларида моллари асраш ва саралаш, уларни магазинларга этлиб бериш ва сотиш учун тайёрлаш иши ҳали ҳам қониқарли олиб борилмаётир.

КПСС Марказий Комитети СССР енгил саноат министри Ўрток Тарасовнинг ва министрлик коллегиясининг эътиборини халқ истеъмоли молларининг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш соҳасидаги партия XXIV съезди қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми талабларини бажариш иши қониқарсиз экаанлигига қаратди ҳамда истеъмол молларини, жумладан кийим-кечак, трикотаж буюмлари ва пойафзал ишлаб чиқаришдаги камчиликларни тугатишни: маҳсулот сифатини планли равишда яхшилаш ва турларини кўпайтириш юзасидан комплект тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни, бу масалани енгил саноат ходимларининг энг муҳим вазифаси деб билишни; марказий аппаратнинг, иттифоқдош республикалар министрликларининг мутахассислари, корхоналар ва бирлашмалар раҳбарлари ҳамда инженер-техник ходимларининг асосий эътиборини белгиланган топшириқларга ва бозор талабининг ўзгаришига мувофиқ равишда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланишга, тармоқнинг ҳамма бўлинмаларида ишлаб чиқариш ва технология интизомини мустаҳкамлашга қаратишни министрликка таклиф қилди. Аҳолига манзур бўлмаган моллар ни ишлаб чиқаришдан иборат яроқсиз практика қатъиян тугатилсин.

СССР Госплани, СССР Молия министрлиги, СССР Енгил саноат министрлиги, СССР Савдо министрлиги, Давлат нарх-наво комитетига енгил саноат корхоналарини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системасини такомиллаштиришга доир таклифларни тезроқ ишлаб чиқиш, бунда уларга аҳоли талабининг ўзгаришига мувофиқ равишда моллар ишлаб чиқаришни қайта қуришда эпчиллик билан ҳаракат қилиш ва иқтисодий имкониятларни таъминлаб беришни назарда тутиш топширилди.

СССР Госплани билан СССР Госснабига енгил саноат ишини яхшилаш масалаларини кўриб чиқиш, бу тармоққа беш йилликнинг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш топшириқларини бажаришда, бу тармоқ корхоналарининг мукаммал асбоб-ускуналарга, хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлашда зарур бўлган ёрдамни беришни назарда тутиш таклиф этилди.

Химия саноати министри Ўртоқ Костандов билан енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министри Ўртоқ Доенининг эътибори енгил саноатга химиявий материаллар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ва етказиб беришда орқада қолишга йўл қўйилганлигига қаратилди. Бу министрликларга енгил саноат корхоналарини белгиланган миқдордаги, турдаги ва юксак сифатли материаллар ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминлаш чораларини кўриш топширилди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига қишлоқ хўжалик органларининг, ўзига қарашли ташкилотлар ва корхоналарнинг енгил саноатга қишлоқ хўжалик хом ашёсини етказиб бериш тўғрисидаги топшириқларни бажариш соҳасидаги ишни яхшилаш; хўжаликлар раҳбарларининг бутун диққат-эътиборини ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик хом ашёси сифатини оширишга қаратиш таклиф этилди.

СССР Саноат қурилиши министрлигига, СССР Қишлоқ қурилиши министрлигига, СССР Қурилиш министрлигига ва СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлигига енгил саноат корхоналари қурилишидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиб, 1973 йилги халқ хўжалик планида кўзда тутилган ҳамма объектларни ишга туширишни таъминлаш, шунингдек бу тармоқнинг 1974 йилда ишга туширилиадиган объектлари қурилишини тезлаштириш топширилди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, КПСС ўлка ва область комитетлари зиммасига енгил саноат корхоналари қурилиши қандай олиб борилаётганлигини контроль қилишни кучайтириш, белгиланган планларнинг бажарилишига халақит бераётган сабабларни тугатиш учун оператив чораларни кўриш вазифаси юклатилди.

СССР Енгил саноат министрлиги билан СССР Савдо министрлигига савдо ташкилотларининг саноат билан хўжалик алоқаларини янада мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш, бунда савдо ташкилотларининг буюртмалари маҳсулот ишлаб чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилишини назарда тутиш таклиф қилинди. СССР Савдо министрлиги, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ва Центросоюз кийим-кечак ва пойафзал билан савдо қилишни ташкил этишдаги камчиликларни тугатишлари лозим.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, ўлка ва область партия комитетларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг ташкилотчилик ишини истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш топшириқларини бажаришда, бу тармоқ корхоналарининг мукаммал асбоб-ускуналарга, хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлашда зарур бўлган ёрдамни беришни назарда тутиш таклиф этилди.

Химия саноати министри Ўртоқ Костандов билан енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари министри Ўртоқ Доенининг эътибори енгил саноатга химиявий материаллар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ва етказиб беришда орқада қолишга йўл қўйилганлигига қаратилди. Бу министрликларга енгил саноат корхоналарини белгиланган миқдордаги, турдаги ва юксак сифатли материаллар ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминлаш чораларини кўриш топширилди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига қишлоқ хўжалик органларининг, ўзига қарашли ташкилотлар ва корхоналарнинг енгил саноатга қишлоқ хўжалик хом ашёсини етказиб бериш тўғрисидаги топшириқларни бажариш соҳасидаги ишни яхшилаш; хўжаликлар раҳбарларининг бутун диққат-эътиборини ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик хом ашёси сифатини оширишга қаратиш таклиф этилди.

СССР Саноат қурилиши министрлигига, СССР Қишлоқ қурилиши министрлигига, СССР Қурилиш министрлигига ва СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлигига енгил саноат корхоналари қурилишидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиб, 1973 йилги халқ хўжалик планида кўзда тутилган ҳамма объектларни ишга

Партия комитетларига енгил саноатнинг ишлаб чиқариш коллективларидаги партиявий-сиёсий ишни кучайтириш, бу ишда партия ташкилотларининг ролини ошириш, меҳнаткашларни маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини бажаришга, ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқариш ва технология интизомига қатъиқ риоя этишига сафарбар қилишда уларга доимо ёрдам бериб туриш таклиф этилди. Енгил саноат корхоналарининг ҳал қилувчи участкаларини мутахассислар билан ва ишлаб чиқаришнинг яхши ташкилотчилари билан мустаҳкамлаш учун зарур тадбирлар кўрилсин.

БУХОРОНИНГ ПАХТА КАРВОНИ

БУХОРО («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область пахтакорлари қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, мўл «оқ олтин» ҳосилини саралаб териб олишга киришдилар. Дала меҳнатчилари ўгитдан, сувдан оқилона фойдаланиб ҳалол меҳнат қилганлари, ҳаратнинг етарли бўлгани туфайли бўлиқ кўсаклар тез пишиб етилиши таъминланди. Эндиликда гуж-гуж кўсаклар кун сайин чаман-чаман бўлиб очилмоқда.

Пахта йиғим-терими — энг масъулиятли ва сиёсий кампаниядир. Буни яхши тушунган миришкорлар ҳамма жойда ишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг пахта йиғим-теримига тайёрликни кучайтиришга қаратилган қарори асосида ташкил қилдилар.

Бу йил она-Ватанга 70 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олган Қоракўл райони деҳқонлари областда биринчи бўлиб қизил карвон ташкил қилдилар. Пахта ортган қатор-қатор машина ва тележкалар устида қизил байроқлар хилпирайди. Алвонларга «КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга!» деган сўзлар битилган. Заводга киравершда кўп кишилик йиғилиш бўлди.

Қизил лента кесилади. Кўчаларни тўлдириб турган пахта карвони бирин-кетин завод ичкарисига киритилди. Дастлабки куни райондаги Киров номли колхоз пахтакорлари давлатга 52 тонна, «Шарқ юлдузи», «Октябрь», «Правда», «Бухоро» колхозлари 35—40 тоннадан юқори сифатли пахта сотдилар.

Шофиркон районидаги «Чандир», «Дўрмон», «Қалмаконим» пахта пунктларига ҳам қизил карвон келди. Райондаги «Шофиркон», «Ленинобод», «Ўзбекистон», Охунбобоев номли колхозларнинг ҳар бири йиллик планнинг 1-1,5 процента миқдорида пахта етказиб бердилар. Шофирконликлар терим суръатини кескин ошириб, йиллик планни 45 иш кунида, юксак социалистик мажбуриятни 20 октябргача уддалаш учун курашмоқдалар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент области ва Ўзбекистон пойтахти саноатининг меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида қабул қилган мажбуриятларини бажариш учун курашиб, маҳсулотларни реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик турини ишлаб чиқариш саккиз ойлик планини муддатидан олдин, 27 августда бажардилар. Ангрен шаҳар корхоналарининг коллективлари саккиз ойлик планни бажарганликлари ҳақида 20 августда, Бекобод райони корхоналарининг коллективлари эса 14 августда рапорт бердилар.

Область саноати 1 сентябрга қадар топшириқдан ташқари неча ўн миллион сўмлик маҳсулот реализация қилади.

(ЎзТАГ).

ЧЕВАРЛАР

ҚАРШИ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қашқадарё областининг қатор районлари пахтакорлари йиғим-теримни қизғин бошлаб юбордилар. Пахта теримида Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари пешқадамлик қиляптилар. Колхоз деҳқонлари 970 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, теримни кун сайин, соат сайин қизитмоқдалар. Далаларда мингдан ортиқ теримчи «оқ олтин» термоқда.

Пахта теримини биринчи бўлиб бошлаган. Р. Турдиев, Д. Тўрахонов бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари қабул пунктларига ҳар куни планнинг 6—7 процента миқдорида пахта жўнатмоқдалар. Бу бригадаларда йиллик пахта тайёрлаш плани 60—70 процентга ўринлатиб қўйилди. М. Мирзаева, Х. Шерматова, О. Абдусаломова каби чевар теримчиларнинг ҳар бири кунига хирмонга 150—200 килограммдан пахта териб тўкяптилар.

Колхоз пахтакорлари 700 гектар майдонни машина терими учун ажратган. Бу майдонларда дефолиация бошлаб юборилди. Пахтакорлар йиллик пахта тайёрлаш планини 20 иш кунида бажариш учун хўжаликдаги барча куч ва имкониятларни йиғим-теримга сафарбар этдилар.

Шунингдек областнинг Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Қамаши ва Шаҳрисабз районларида ҳам пахта терими кун сайин қизғин тус оляпти.

АМАЛИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси Л. Штроугал 27 августда амалий визит билан Прагадан Москвага келди. ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари В. Гула ва бошқа расмий кишилар ҳам у билан бирга Москвага келишди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, СССР министрларининг ўринбосарлари Н. П. Биков ва Н. Н. Родионов, бошқа расмий кишилар ЧССР ва ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Чехословакиядан келган ўртоқларни кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ЧССРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Я. Гавелка бор эди. (ТАСС).

ТЕРИМ АРАФАСИДА

Репортаж

Пахта терими бошланишига саноқли кунлар қолди. Ҳамма нарса теримга тахт: йўл-кўприклар тузатилди, тош-тарозилар шайланди, пайкалларнинг икки четида машиналар айланадиган майдончалар очишга киришиляпти, хирмонлар асфальтланяпти. Бригадир Дўсон Оқжигитовнинг фикри-зикри шундай ишлар билан банд. Бунинг устига, далалардаги ишни айтмайсизми, универсаллар тинимсиз эгат оралайди, сувчилар сув тарайди, чопиқчилар хаккам-дуккам бегона ўтларни юлади. Ҳамманинг қалбида пахтадан юқори ҳосил етиштириш, терими ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан, қисқа фурсатда ўтказиш иштиёқи тутён уради.

Бригадирни шарилладб сув оқиб ётган ариқ ёнида учратдик. У ёлгиз оёқ йўл бўйлаб илдам борарди.

— Йўл бўлсин, Дўсон ака, — салом-аликдан кейин сўрадик, ундан.

— Правлениега ошиқяпман, ога, — жавоб қилди у, — эртаиндин дефолиация бошлаймиз. Шу тадбирни биринчи бизнинг бригадамизда ўтказсак демоқчиман.

— Ҳали эрта эмасмикин, ҳосил...

— Ҳосилни қўяверинг, бисёр, ҳар тупида ўн беш-ўн олтита кўсак шокосага лиқ тўла сутдек чайқалиб турибди, ҳадемай ёппасига очилади. Ҳозирча битта-иккита кўсак лаб очиб қолди. Дефолиацияга тайёргарликни тугаллаганимизча росмана очилади.

Яхши ният. Бригада аъзолари ҳосилнинг асосий қисмини «зангори кема»ларда териб олишга аҳд қилишган. Шундай экан, унга пахта тараддуд кўриш керак. Ғўзаларнинг барги вақтида сунъий усулда тўктирилса, бегона ўтлар мутлақо бўлмаса, машиналар унумли ишлайди.

— Бултур дефолиацияни қачон ўтказгансизлар?

— Бултур анча кеч бошлаб, доғда қолдик. Бу йил пахта ўтган йилдагидан ўн беш-ўн олти кун эрта пишди. Шунинг учун тез ишга киришмасак фурсатдан ютқазамиз. Теримда ҳар дақиқа ҳисобда бўлиши керак. Ҳар туп ғўзада икки-учта кўсак очилдими, дефолиацияни бошланг, кўсакларнинг 65—70 проценти очилганда эса теримни бошланг! Ҳа, шунда ютасиз.

Дўсон Оқжигитов ўз ишининг устаси, йигирма йилдан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Асл машинапарвар деҳқон. Янгиликни хуш кўради. Пахта тайёрлаш планини ҳамма бригадалардан олдин бажарса, социалистик мажбурият ўринлангани ҳақидаги рапортга колхозда биринчи бўлиб имзо чекса! Мақсади шу. Мақсадга эришмоқнинг шарти эса, терим машиналарига таянишдир. Бригадага бириктилган терим машиналари ремонтдан чиқариб қўйилди. Лекин бунга бригадир қониқиш ҳосил қилмади, автотрактор-паркига бориб, ўзи кўздан кечириб келди иккита «зангори кема» тахт!

Бригадирни йўлдан қолдирмаслиқка уриндик. Йўл-йўлакай яна пахта, ҳосил чўғи, терим тараддуди ҳақида суҳбатлашиб бордик.

— Еримиз 116 гектар, — сўзини давом эттирди у, — ўтган йили гектаридан 43 ярим центнердан хирмон кўтарган эдик. Бу йилги маррамиз — 46 центнер!

— Юк анча оғир, — луқма ташлади суҳбатдошларимиздан бири.

— Тўғри айтасиз, юкимиз ҳам оғир, ҳам енгил. Гап шундаки, ҳамма бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилса, пайкаллларда қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб ишласа, юк енгил кўчади. Машиналар ишга туширилиши билан манзилга толиқмай етилади. План тўлади, мажбурият ўринлайди. Юзимиз ёруғ бўлади. Бу енгил томони. Борди-ю, терим пайтида бўшашувчиликка йўл қўйгудек бўлсак, унда иш чатоқ. Хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, танбеҳ эшитасиз. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Бригада аъзолари бир ота, бир онанинг фарзандларидек аҳил. Бу ерда бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деган шиорга тўла амал қилиняпти. Пахтакорлар йигирма иш кунини кўзлашяпти. Шу фурсатда манзилга етилади. Ғалаба рапортига имзо чекилади. Лекин бу ҳамирдан қил суғургандек осонлик билан битадиган иш эмас. Ҳалол меҳнат билан етиштирилган «оқ олтин»нинг бир мисқоли нобуд бўлмаслиги, юқори сорт билан тайёрлов пунктларига етказиб берилиши керак. Она-Ватан фақат Дўсон Оқжигитов бригадасидангина эмас. Ҳамид Олимжон номли колхознинг ҳамма бригадаларидан, қолаверса, Оққўрғон райони меҳнат аҳлидан бу йил 100 минг тонна пахта кутяпти. Бу улкан хирмонга ҳамма ўз ҳиссасини қўшмоғи даркор.

Бригадир билан хайрлашдик. У гектаридан 46 центнердан пахта хирмони кўтарилган куни рапорт юборишга ваъда қилди. Колхозда нечанчи бўлиб? — ҳазиллашдик, унга. Биринчи бўлиб! — жавоб қилди Дўсон бригадир. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмайди, деб қўшиб қўйди биз билан қўл олишиб хайрлашарканд.

Колхозда ўз ишига пухта бундай пахта усталари кўп. Шунисн диққатга сазоворки, одамлар юрган йўлида ҳам, турган жойида ҳам пахта ҳақида, ҳосилнинг тақдири тўғрисида бош қотиряпти. тўй-томошаларда ҳам суҳбатнинг бош темаси — терим!

— Теримга тараддуд қандай боряпти? — сўрадик колхоз раиси Ҳасанбой акадан.

— Тараддудни тугаллаганимизга анча бўлди, — жавоб қилди раис, — йигирма бешта «зангори кема»ни сафга тизиб қўйдик. Йигирмага яқин кўсак узадиган, чувийдиган механизмларимиз ҳам шай. Тележка-прицепдан камчил жойимиз йўқ. Механизаторларимизнинг ҳаммаси теримни қачон бошлаши, қайси бригадада ишлашини яхши билади. Теримчиларимиз ҳам шундай. Камол Амиршоев, Соат Мардиқулов каби ўнлаб механик ҳайдовчиларимиз бункерлардан 190—200 тонна дурдона тўнин иш тиёқида ишаб, меҳнат қиляптилар. Сирдарёлик машҳур механизатор Аҳмаджон Валиев: — ҳамма механизаторлар ўз гарданига олган социалистик мажбуриятини бажаргандагина республикамиз бўйича 2 ярим миллион тоннадик машина терими бунтига ғалаба байроғи тикилади дебди. Колхозимиз механизаторлари буни яхши тушунадилар, умумхалқ хирмонига муносиб улуш қўшадилар.

Шу куни колхоз пахтазорларини роса айландик, сувчилар, механизаторлар, химизаторлар, теримчи қиз-жувонлар — қўйингчи, пахта етиштириб, пахта териш иштиёқида жавлон ураётган кишиларнинг кўпчилиги билан суҳбатлашдик. Улар колхоз бўйича гектаридан 41 центнердан пахта хирмони кўтариш, она-Ватанга салкам 4 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш орзусида фидойилик намуналарини кўрсатяптилар. Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам халқнинг меҳнатдаги жасорати дарёлар сувидек тўлқинланяпти.

Тошкент областининг Оққўрғон райони бу йил республикамизда биринчи бўлиб 100 минг тонналик «оқ олтин» тоғига ғалаба байроғи тикилади. Ҳамид Олимжон номли колхоз пахтакорлари эса бу юришда олдинги сафларда боради. Яхши ниятингиз ҳамроҳингиз бўлсин, азиз пахтакорлар!

Т. УНАБОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратда: колхознинг бир группа механизаторлари устахонада.
А. Тўраев фотолари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ва катта ёрдами туфайли Сурхондарё областида қишлоқ хўжалиги тобора ривожланиб боряпти. Кейинги йилларда колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, ерларнинг мелиорация ҳолати яхшиланди, деҳқончиликни химиялаштириш ва комплекс механизациялаш кенг ривож топди. Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш фаровонлиги йил сайин яхшиланиб бормоқда.

Тўқкизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида об-ҳаво шароити анча ноқулай келганлигига қарамай сурхондарёликлар давлатга пландаги 386 минг тонна ўрнига 391,4 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришди. Ялпи ҳосилнинг 120,9 минг тоннасини ингичка толали пахта ташкил этди. Сариосиё, Жарқўрғон, Денов районларининг пахтакорлари ҳосилдорликни гектар бошига 38-39 центнерга етказдилар. Область бўйича ўртача ҳосилдорлик 31,4 центнерни, ингичка толали пахта ҳосилдорлиги эса—28,8 центнерни ташкил этди. Юзлаб комплекс механизациялашган бригадаларда ҳар гектар майдондан 45-55 центнердан ва ундан ҳам ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлинди.

Янги ерларни ўзлаштириш, мавжуд ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида катта ишлар қилинмоқда. Фақатгина 1972 йилнинг ўзида 4360 гектар янги ер ўзлаштирилди, 2200 гектар майдон текисланди. 5400 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Қоғ қисқа муддатда Амударё сувини далаларга элтадиган 60 километр узунликдаги Аму-Занг канали қурилди. Бу канал Гагарин, Шеробод, Термиз ва Жарқўрғон районлари ерларини, шунингдек, кўрик ерларни сув билан таъминлаяпти. Ер ости сувларидан фойдаланадиган кўплаб қудуклар казилди, сув иншоотлари барпо этилди. Амалга оширилган бу тадбирлар туфайли сўнгги икки йилда областда пахта етиштириш пландагига қараганда 57 минг тонна кўпайди.

Область партия ташкилотининг техника тараққиётини жадаллаштириш, деҳқончиликни, хусусан пахтачиликни комплекс механизациялашга қаратилган қатъий йўли пахта етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим негизи бўлиб келмоқда. Фақат кейинги икки йилнинг ўзидагина область хўжаликларидаги барча ҳайдов тракторлари 1180 та, пахта териш машиналари 160 та, трактор прицеплари 940 та кўпайди. Қишлоқ хўжалигимиз ҳозир замонавий техника билан шу даражада яхши таъминланганки, ҳар бир ҳайдов тракторига 100 гектардан сўгориладиган ва лалми ерлар тўғри келади. Бу шуғорлашни 20-22 иш кунида тугаллаш имконини беради. Чопиқ тракторларига эса 35-40 гектар пахта, маккажўхори ва бошқа экин майдонлари тўғри келмоқда.

Область сув хўжалиги органлари, колхоз ва совхозлар ер қазиш механизмлари билан яхши таъминланди. Уруғ экиш, экинларга ишлов бериш, дон ва озуқабоп экинларни йиғиштириб олиш жараёнлари тўла механизациялаштирилди. Чорвачилик фермаларида оғир қўл меҳнатини механизациялаш даражаси анча ошди.

Пахта йиғим-теримини механизацияланда эришилган ютуқлар кўп. Ўтган йили 153 минг тонна пахта «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинди. Гагарин ва Жарқўрғон районлари хўжаликлари машина теримини намунали ташкил этиб пахтани машина билан териш планларини анча ошириб бажардилар.

«Сурхон» совхози коммунистлари пахтачиликни комплекс механизациялашни ўз оталиқларига олдилар. Улар ўтган йили машина терими планини 151 процент бажаришга эришдилар. Бир центнер ҳосил учун 3.4 киши куни сарфланди. Пахтанинг таннархи 31 сўмни ташкил этди. Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхози, «Пахта фабрикаси» деб ном олган Сариосиё районидаги «Коммунизм», Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли, Термиз районидаги Жданов номли колхозлар, Шўрчи районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги», Шеробод чўлидаги «Дўстлик», Қосим Раҳимов номли, Гагарин районидаги Абдулла Набиев номли, «Советобод» совхозлари каби кўплаб юқори ҳосилли хўжаликларнинг партия ташкилотлари пахтачиликда техника тараққиёти ва илғорлар тажрибасини кенг қўлланиб катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Улар ялпи ҳосилнинг 60-80 процентини ва ундан ҳам кўпроқ қисмини машиналарда териб олишга муваффақ бўлдилар.

Областда пахтани машинада теришда коммунистлар бошчилик қилаётган комплекс механизациялашган бригадаларнинг ишлари айниқса ибратлидир. Бунга мисол қилиб ўтган мавсумда тўрт каторли «Ўзбекистон» агрегати билан 500-800 тоннадан «оқ олтин» терган Шеробод районидаги Ленин номли совхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Ленин комсомоли мукофоти лауреати Абдусаттор Қурбонов, Гагарин районидаги «Советобод» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Отамурод Худойназаров, «Янгиобод» совхозидан Ленин орденли Бекмурод Зайниев, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Светлана Продан, «Сурхон» совхозидан Ленин орденли Холмўмин Сафаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларни кўрсатиш мумкин. Бу бригадаларда чигит экишдан тортиб ғўза парвариши, ҳосил йиғим-терилмигача бўлган барча дала ишлари фақат механизмлар ёрдамида бажариляпти. Шу сабабли ҳосилдорлик ошиб, пахта таннархи тобора арзонлашиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда ингичка толали пахтани машиналарда териш проблемаси асосан ҳал қилинди. Бу метод биринчи марта Термиз районидаги Жданов номли колхозда амалга оширилди ва областнинг бошқа хўжаликларида синовдан ўтди. Жданов номли колхозда ҳар йили ингичка толали пахта ҳосилининг 30-40 процента, айрим бригадаларда эса 75-80 процента «зангори кема»лар билан териб олинмоқда.

Лекин шу билан Сурхон воҳасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илмий-техника тараққиёти масаласи тўла ҳал этилди, деб бўлмайди. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда хали бу соҳада катта камчиликлар мавжуд. Айрим район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик органлари ўзларининг амалий фаолиятларида дала ишлари сифатини кўтарувчи бу ишларни қисқа муддатларда бажарадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган янги, юқори унумли машина ва механизмларни қўлланишга ҳамон етарли аҳамият бермаётирлар. Натижада Шўрчи, Денов, Сариосиё районлари кейинги тўрт йил давомида машина терими планини бажаролмай қолишди.

Область партия ташкилоти КПСС XXIV съезди қарорлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Пахтачиликда техника тараққиётини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб пахтачиликни комплекс механизациялашни янада яхшилаш, шунингдек, кишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам механизациялаш масалаларини бир неча марта бюро мажлислари ва ўз пленумларида муҳокама этиб, конкрет тадбирлар белгиланган қарорлар қабул қилди.

Область партия комитетининг шу йил март ойида бўлиб ўтган XI пленуми «Қишлоқ хўжалигига илмий-техника тараққиёти ва илғор тажрибаларни жорий этишда область партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига илмий-техника тараққиётини жорий этиш юзасидан белгиланган тадбирларга биноан 1975 йилгача область колхоз ва совхозларида 67 минг гектар майдонни икки ярусли плуг билан ҳайдаш, 30 минг гектар майдонга туксизлантирилган чигит экиш, кенг қаторлаб экилган майдонларни 50 минг гектарга етказиш, 118 минг гектар майдонга гербицидлар ишлатиш, 57 минг гектар ердаги ғўзани механизмлар ёрдамида чеканка қилиш лозим.

Область партия комитетининг ушбу пленумидан кейин қишлоқ хўжалигида техника тараққиётига бўлган муносабат анча ўзгарди. Масалан, 1972 йилда область бўйича 17,1 минг гектар ерга чигит кенг қаторлаб экилган бўлса, 1973 йилда эса бу кўрсаткич 33,2 минг гектарга етди. Шунингдек, пахтани машинада чеканка қилиш Гагарин ва Шеробод районлари хўжаликларида кенг амалга оширилмоқда. Ўтган йили 25,9 минг гектар ерда, бу йил эса 58,2 минг гектар ерда гербицид ишлатилди.

Область хўжаликларида мўл ҳосил етиштирилди. Культивация, озиқлантириш ва суғориш ишларининг бир-бирига қўшиб олиб борилгани натижасида катта майдонларда ғўзалар одатдагидан 10 кун олдин шонага кириб, гуллаган эди. Жарқўрғон районидаги «Москва», Сариосиё районидаги «Коммунизм», Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари ҳамда «Сурхон», «Ҳазорбоғ», «Дўстлик», Қ. Раҳимов номли совхозларнинг кўпгина бригадалари далаларида ҳар туп ғўзада 15—18 тадан кўсак ва очилган пахта санаш мумкин.

Область партия ташкилотлари, коммунистлар ва барча меҳнаткашлар қишлоқ хўжалигини механизациялаш асосида колхоз ва совхозлар экономикасини янада мустаҳкамлаш учун барча тадбирларни изчиллик билан амалга оширадилар.

Сурхондарё меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди ва партия Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, бу йил 410 минг тонна пахта, шу жумладан, 128 минг тонна ингичка толали пахта ва бошқа кўплаб маҳсулот топшириш юзасидан мажбуриятлар олганлар. Область партия комитети ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини тобора яхшилай бориб, меҳнат аҳли ўртасида социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдиради.

Р. ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон КП Сурхондарё область комитетининг секретари.



Фотолавҳалар

Республикамиз саноат корхоналарининг илғор коллективлари ҳал қилувчи йил топшириқларини барвақт бажариш учун астойдил меҳнат қилишяпти. Суратларда: 1. (юқорида) Чирчиқдаги пойафзал фабрикасининг илғор ишчиси Э. Жўраев. У кунлик топшириқларни 120—130 процент адо этяпти. 2. (пастда) Тошкент агрегат заводининг сергайрат коллективи қишлоқ хўжалик тракторларига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ишларини қизитиб юбордилар. Пешқадам фрезерчи Э. Рафиқов 1974 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

А. Тўраев фотолари.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ АРГЕНТИНАДА

БУЭНОС-АЙРЕС, 27 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Г. Ломоносов бошчилигида Аргентина Коммунистик партиясининг бу ерда бўлиб ўтган XIV съезди ишида қатнашган КПСС делегацияси кеча Хустисиалистик партиядан Аргентина президенти лавозимига кўрсатилган номзод Хуан Доминго Перон билан учрашди. Учрашув вақтида иккала томон бир-бирларини қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Шу куни КПСС делегацияси ўз юртига жўнаб кетди. «Эсейса» халқаро аэропортида делегацияни Аргентина Компартияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси Родольф Гиольди, Партия Марказий Комитетининг секретари Атос Фава, Аргентина Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари кузатиб қолдилар.

ЯХШИ БИНОЛАР ҚУРАМИЗ

28 августда Тошкентда фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларидан қурилиш ишларида фойдаланиш масалаларига бағишланган уч кунлик семинар очилди. Семинарда қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институтларининг мутахассислари, олий мактаблар қурилиш соҳасидаги кафедраларининг илмий ходимлари қатнашмоқдалар. СССР Госстройи ва Ўзбекистон ССР Госстройининг олимлари ва мутахассислари семинарда доклад қиладилар.

Семинар иштирокчилари фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларини ва қурилишда техника даражасини ошириш соҳасида илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларининг вазифаларини, республика қурилишларида техника тараққиётини ошириш йўлларини қараб чиқади.

Семинарни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов очди.

* * *

Бинокорлар семинари ўз ишини давом эттираётган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлислар залида виставка очилди. Виставкага кўйилган экспонатлар республикадаги энг яхши бинокорлик ташкилотларининг тажрибаларини кўрсатади, Ўзбекистон корхоналари ишлаб чиқараётган янги қурилиш материаллари билан таништиради.

МАККАЖУХОРИ — КОМСОМОЛ ОТАЛИҒИДА

ХИРМОНГА БАРАКА

Махсус мухбиримиз кеча Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Тилло Менглиев билан учрашиб, республикамизда 320 минг тонналик маккажўхори хирмонини тиклаш учун қандай кураш олиб борилаётганлиги билан қизиқди. Бу соҳада баъзи саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида ана шу савол-жавоблар тафсилотини келтирамиз:

МУХБИР: ЎЗБЕКИСТОН ОБЛАСТЛАРИДА МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА ТОПШИРИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Т. МЕНГЛИЕВ: Маълумки, бу экин комсомол оталиғига олинган. Маккажўхори дони етиштириш ва уни давлатга топшириш комсомол ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Жойлардаги мавжуд 1224 дончилик бригадасидан ҳозиргача 856 коллективда дон йиғиштириб олишга киришилди. Шундан 267 бригада зафар қучди.

МУХБИР: СОЦИАЛИСТИК МУСОБАКАДА ҚАЙСИ ОБЛАСТЛАР ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛМОҚДА?

Т. МЕНГЛИЕВ: Бу соҳада айниқса Андижон области комсомолларининг ишлари диққатга сазовор. Колхоз ва совхозларда ташкил этилган 132 бригададан 98 коллектив гектаридан 100 центнердан ошириб хирмон кўтарди. Қашқадарё областининг 111 та бригадасида мусобақа қизғин тус олди. 52 бригада социалистик мажбуриятни бажарди. Шунингдек, Сурхондарё, Наманган, Бухоро ва Фарғона областларида ҳам кўплаб коллективлар ғалаба рапортига низо чекди.

МУХБИР: ДОН ЕТИШТИРИШДА ЮҚОРИ КУРСАТКИЧГА ЭРИШАЕТГАН БРИГАДАЛАРДАН АЙТИБ БЕРСАНГИЗ?

Т. МЕНГЛИЕВ: Бундай дончилик бригадалари жуда кўп. Жумладан, Пахтаобод районидаги «Андижон» колхозининг Абдумухтор Жумабоев бошлиқ бригадасини олайлик. Бу коллектив фидокорона меҳнат қилиб, 30 гектар майдондан 103 центнердан дон ҳосилини етиштирди. Китоб районидаги Навоий номли колхознинг Ҳамид Қодиров бошлиқ бригадаси эса гектардан олинадиган дон ҳосилини 91 центнерга етказди. Шунингдек Задарё районидаги «Коммунист» колхозидан Ўринбой Ҳасанов, Шўрчи районидаги «ВЛКСМ — 30 йиллиги» совхозидан Файзулла Менглиев бошлиқ комсомол-ёшлар коллективлари гектар бошига 70-80 центнердан хирмон кўтариб, ваъдага вафо қилди. Ҳа, зафар марраси қуваётган ёш коллективларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бораётир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Н. И. ВЕРЕЩЧАК ВА С. ҲАЙДАРОВНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчилик билан курашдаги хизматлари учун СССР Олий Совети Президиумя номидан милиция лейтенанти Николай Иванович Верещчак ва милиция старшина сержанти Саидраҳим Ҳайдаров «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 28 август.
Тошкент шаҳри.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Бугунги кунда радио ва телевиденининг эшиттириш ва кўрсатувларидан бахраманд бўлмаётган, алоқа ҳамда почта хизматидан фойдаламаётган кишиларни камдан-кам учратиш мумкин. Телевидение ва радио йилдан-йилга республикамиз меҳнаткашларининг ҳаётига тобора чуқур сингиб бораяпти. Эрта тонгдан радио хонадонларимизга мамлакатимиз ва дунё янгиликларини олиб кирмоқда, миллион-миллион кишиларга партиямиз ғояларини етказмоқда.

Телевидение ва радио Коммунистик партия қўлида халқ оммасини иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб, самарали хизмат қиляпти. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз телевидение ва радио эшиттиришларининг сиёсий-ғоявий савиясини, таъсирчанлигини ошириш, уни аҳоли диққатига етиб борадиган шаклларини қидириб топиш, унинг моддий-техника базасини бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

«Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — газеталар, журналлар, телевидение, радио, информация агентликлари янги инсонни камол топтиришдан иборат катта ва мураккаб ишда, капитализм дунёсига қарши олиб борилаётган идеология курашида партиянинг қудратли қуролидир».

Ўзбекистонда телевидение ва радиони ривожлантиришда кейинги йилларда бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Телевидениенинг моддий-техника базаси яхшиланди, янги замонавий аппаратлар ва ускуналар ўрнатилмоқда. Айниқса, 1965 йилнинг охирида Москвани Тошкент билан бирлаштирувчи кабель магистрали ишга туширилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Бунинг натижасида Ўрта Осиё республикаларининг меҳнаткашлари Марказий телевидение программаларини томоша қилишга ва дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлаётган муҳим воқеаларни бевосита кўришга, ўзаро телевизион программаларни айирбошлаш, бутуниттифоқ экранига чиқиш имкониятларига эга бўлишди.

Республикамиз аҳолиси Ўзбекистон радиоси эшиттиришларидан тўла баҳраманд бўлмоқда. Ундан ташқари жаҳон халқларининг саккиз тилида чет эллар учун эшиттиришлар бериб бориляпти. Республикамизда телевидение кўрсатувларини барча областларда қабул қила оладиган кучли ретрансляторлар қурилган. Телевидение биринчи программасининг кўрсатувларини республика аҳолисининг 95 проценти, иккинчи программани 88 проценти, учинчи программани Тошкент области аҳолисининг деярли ҳаммаси кўриш имкониятига эга бўлди.

Радиотелеграф мосламаларидан фойдаланиш ҳам кенгайиб кетди. Эндиликда телевизион тасвирларни узоқ масофаларга узатиш имконияти туғилди. «Правда», «Известия», «Сельская жизнь» «Красная Звезда», «Комсомольская правда» ва бошқа катор газеталар Москвадан Тошкент босмахонасига бевосита фототелеграф орқали олиб бериляпти.

Республикамизда кўплаб радио ва телевидение журналистлари самарали меҳнат қилишмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашларининг ажойиб ватанпарварлик ташаббуслари, беш йиллик илғорлари, қишлоқ хўжалиги моҳир мирзакорларининг ҳаёти, зарбдор қурилишлар, саноатимизнинг гигант одимлари Совет Ўзбекистонининг қардош халқлар оиласида ривожланиб, камол топаётганлиги радио эшиттиришда ва телевидение кўрсатувларида ўз ифодасини топмоқда.

Ҳозирги кунда радио ва телевизион станциялар замонавий, катта қувватли ускуналар билан жиҳозланган. Бу радиоэшиттириш ва алоқани жуда узоқ масофаларга ошириш имкониятини беряпти.

Почта хизмати ҳам кундан-кунга такомиллашиб бораётир. Бугунги кунда почта ходимлари хатларни, посилка, пул, пенсия, турли нашрлар, газета ва журналларни ўз эгаларига вақтида етказиб беришяпти. Уч мингдан зиёд алоқа узеллари ва бўлимлари ишлаб турибди. Почтани ўз вақтида эгаларига етказиб беришда автомобиллардан, темир йўл ва граждан авиацияси хизматидан кенг фойдаланилмоқда. Алоқа бўлимларида йигирма мингга яқин ходим, шу жумладан, қишлоқ жойларда олти ярим мингга яқин почтальонлар хизмат қилишмоқда.

Почта алоқаси ходимлари кунига уч миллион икки юз мингта хатни эгаларига етказиб бермоқдалар, 74 мингта яқин посилка, 73 мингта пенсия ва бошқа зарур қоғозларни, саккиз миллионга яқин газета ва журналларни етказиб бериштек мураккаб ишни бажармоқдалар.

«Союзпечать»а ва почта хизматини янада яхшилаш мақсадида ўтган йили 38 та киоска ва 58 та алоқа бўлими очилди. Ишлаб турган киоска ва алоқа бўлимларининг ишлари тартибга солинди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида темир йўл қошидаги сараловчи почтамт ишга туширилди. Бу — республикамизда почта айирбошлаш ишларини тезлатишда катта қулайликлар яратмоқда. «Союзпечать»а ва почта ишларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш соҳасида ҳам бир қанча ишлар қилинди.

Шуни айтиш керакки, телеграф, шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқлари ва шаҳарлараро телефон алоқаси ишларини такомиллаштириш, уларнинг сифатини ошириш ва моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Иш унумини ошириш мақсадида Андижон, Наманган, Бухоро ва Урганчда бевосита уловчи станциялар фойдаланишга топширилди. Натижада республикамизда телеграф алмашнув ҳажмининг 45 проценти бевосита уланиш усулига ўтди.

Шаҳарлараро телефон алоқаси ҳам такомиллашмоқда. Тошкент—Фарғона, Наманган — Кўқон, Нукус — Беруний, Андижон — Марҳамат, Карши — Шаҳрисаба каби участкаларда кўп каналли системалар ишга туширилди. Самарқанд, Янгиёўл ва Мўйноқда районлараро телефон станциялари, Тошкент, Термиз, Бухоро ва Самарқандда шаҳарлараро автомат станцияларининг ишга туширилиши туфайли республикамизда 82 минг 600 та телефон-абонентнинг иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарлари билан автоматик равишда боғланишига имконият берди.

Бундан ташқари шаҳарлараро телефон каналларининг 130 дан ортиғи автомат ва саксондан зиёди ярим автомат равишда хизмат қилиш усулига ўтказилди, қирқта шаҳарлараро телефон-автомат ишга туширилди.

Шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси ҳам бир неча минг номерга кўпайди. Ўнлаб колхоз ва совхозларда ички телефон станциялари қурилиб, ишга туширилди. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларга узоқни яқин қилишда ва таниш-билишлари, яқин кишилари билан алоқа ўрнатишда катта қулайлик яратмоқда.

Алоқачиларимизнинг самарали меҳнати ўз вақтида тақдирланиб турибди. Юбилей йилида Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг коллективи катта ютуқларга эришди. Бу коллективнинг меҳнати КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг юбилей Фахрий нишони билан тақдирланди. Бундан ташқари бешта корхонамиз Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг юбилей дипломи билан, бешта муассасамиз СССР Алоқа министрлиги ҳамда алоқачилар касаба союзи Марказий Комитетининг юбилей Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг телефонистласи М. Тўлаганова, Тошкент область алоқа ишлаб чиқариш бошқармасининг почтальони В. В. Мухина, Қорақалпоғистон алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси алоқа бўлимлари бошлиғи М. Янгибоев, Тошкент шаҳар радиоузелининг катта электр механиги В. С. Лопушенко, Самарқанд область алоқа ишлаб чиқариш бошқармасининг телеграфчиси М. И. Лисикова, радиорелье ва кабель магистраллари республика бошқармасининг монтажчиси И. С. Горохов ва бошқа кўплаб инженер-техник ходимларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

«Союзпечать» ва почта ходимларимиз олдида газета ва журналларга обуна қабул қилиш ишининг сифатини янада ошириш, газета ва журналлар сотувчи автомат ва киоскалар тармоғини кенгайтириш, почтани элтиб бериш муддатини қисқартириш, бу ишда механизация ва автоматлаштиришни кенг қўлланиш, алоқа бўлимлари сонини ошириш ва иш сифатини тубдан яхшилашдек муҳим вазифалар турибди.

Бу йил электр алоқаси ходимлари 170 та шаҳарлараро телефон каналини автомат ва 100 канални ярим автомат усулига кўчиришлари керак. Аэропорт, вокзалларда, курорт ва дам олиш зоналарида 25 та шаҳарлараро телефон автомати ўрнатилади. Шаҳар ва қишлоқ телефон станциялари қувватини ўзлаштириш анча оширилади ва бир қанча янги телефон станциялари қурилади.

Радиоэшиттириш ва телевидение кўрсатувларининг техникавий сифатини ошириш соҳасида ҳам қатор ишлар планлаштирилган. Жумладан, радио тармоқлари 33 минг нуқтага кўпайтирилади, 20 та радиоузел қайта қурилади, уч программали радио тармоқ ривожлантирилади. Тошкент — Самарқанд, Самарқанд — Термиз, Тошкент — Андижон радиорелье тармоғи қурилиб, ишга туширилгандан сўнг барча область марказлари кенг аҳолиси рангли телевидение кўрсатувларини томоша қилиш имкониятига эга бўладилар.

Яқинда Хоразм меҳнаткашлари қувончига-қувонч қўшилди. Урганчда ишга туширилган кучли янги телевизион станция область аҳолисига икки программада телевидение кўрсатувларини, жумладан, рангли телевидениени томоша қилиш имконини берди. Шу йил қурилиб, ишга туширилаётган Самарқанд—Тошкент радиорелье тармоғи воситасида республикамиз меҳнаткашларига қардош Туркманистон телевизион эшиттиришларини олиб кўрсатиш мумкин бўлади.

Алоқа воситаларини ривожлантириш билан бирга уларни такомиллаштириш, иш сифатини яхшилаш, республикамиз халқ хўжалигида алоқа хизматидан кенг фойдаланиш учун қулайликлар яратиш энг муҳим вазифалардан биридир. 38 мингдан зиёд алоқа ходими коммунистик меҳнат ҳаракатига қўшилган. Улар республикамиз аҳолисига намунали алоқа хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Т. ТЎХТАЕВ,
Ўзбекистон ССР алоқа министри.

ХИТОЙ РАҲБАРЛАРИ ТАШҚИ СИЁСАТ ЙЎЛИНИНГ БАЪЗИ ДАСТУРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узоқ давом этган «совуқ уруш» давридан турли иқтисодий-сиёсий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларига асосланган муносабатларга ўтиш ҳозирги вақтда тобора конкретроқ шаклларга кириб, тағин ҳам яққолроқ намоён бўлмоқда.

Ҳозирги вақтдаги ўзгаришларнинг асосий омили шуки, халқаро майдонда кучларнинг нисбати тинчлик, тараққиёт ва социализм фойдасига тобора ўзгариб бормоқда. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатлари ўзларининг ўсиб бораётган иқтисодий қудратларига, барча тараққийпарвар кучларнинг мададига таяниб ўтказиб келаётган актив тинчликсевар ташқи сиёсати ижобий силжишларни ривожлантиришга қудратли куч бериб турибди. Ер юзидаги халқлар социализм билан тинчликни бирбиридан асло ажратиб бўлмаслигини ўз тажрибаларида қайта ва қайта кўриб, қаноат ҳосил қилмоқдалар. КПСС XXIV съезди таклиф қилган Тинчлик программасини холис ниятли кишиларнинг ҳаммаси маъқуллаб, — қўллаб-қувватлади. Бу программада Совет ташқи сиёсатининг синфий, социалистик характери, тинч-тотув яшашнинг ленинча принципларини изчиллик билан амалга ошириш йўли ўз ифодасини топмоқда.

Яқинда Қримда бўлиб ўтган учрашув қатнашчиларининг ахборотида қайд қилинганидек, қардош партияларнинг раҳбарлари КПССнинг ленинча ташқи сиёсатини, жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлган шу сиёсатни амалга оширишга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев шахсан қўшаётган ҳиссани юксак даражада баҳоладилар.

Бу сиёсат барча халқларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Совет Иттифоқи бундан буён ҳам КПСС XXIV съезди кўрсатиб берган йўлдан боранади. Биз бундан буён ҳам дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз билан — социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлайберамиз. Улар билан бирликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш — КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг жуда муҳим йўналишидир. Биз мустамлакачилик асоратидан озод бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантираверамиз, тинчлик, миллий озодлик, демократия ва социализм учун курашаётган барча халқларга ёрдам кўрсатаверамиз. Совет Иттифоқи агрессив империалист кучларнинг ҳар қандай кирдикорларига, кескинлик юмшатилишига қарши чиқаётганларнинг, «совуқ уруш» даврига қайтишни, қуролланиш пойгасини давом эттиришни талаб қилаётганларнинг ҳаммасига, халқлар ўртасида душманлик ва адоват уруғини сочаётганларнинг ҳаммасига аввалгидек қатъий зарба бераверади.

Ер юзида ҳали ҳам сақланиб келаётган кескинлик манбалари ва портлаш хавфини туғдирувчи проблемалар оз эмас. Яқин Шарқдаги можаро бартараф қилингани йўқ. Ҳинди-Хитойда отишмалар ҳанузғ тўхтагани йўқ. Халқларнинг, ер қуррасидаги районларнинг ҳаммасида тинчлик тантана қилади, деган умиди катта.

Мустаҳкам тинчликка борғ йўлида инсониятнинг фақат «совуқ уруш» энергиясинигина эмас, шу билан бирга ялпи тинчлик ишига душман бўлган муайян кучларнинг қаршилигини ҳам енгиб ўтишига тўғри келади. Халқаро кескинлик юмшатилишига ва қуролланиш пойгаси тўхтатилишига қарши чиқаётганлар орасида Хитой раҳбарлари ҳам бор. КПСС Марказий Комитетининг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган пленуми шуни қайд қилдики, «социалистик мамлакатларнинг ва жаҳон Коммунистик ҳаракатининг жислигига, халқаро кескинликни юмшатишга интилаётган тинчликсевар давлатлар ва халқларнинг бу йўлдаги куч ва ғайратига қарши Хитой Халқ Республикаси раҳбарлари қаттиқ курашаётганлиги, Пекининг Советларга қарши ўтказиб келаётган йўли тинчлик ва халқаро социализм ишига зарар етказмоқда».

1.

Хитой раҳбарларининг ташқи сиёсат масалаларига доир ўтказиб келаётган йўлида улар назария соҳасида ҳам, амалда ҳам синфий, марксча-ленинча позиция билан алоқани узганликлари жуда яққол кўриниб турибди.

Бундан ярим аср муқаддам В. И. Ленин айтган эдики, Россиядаги Октябрь революциясидан сўнг барча халқларнинг ва мамлакатларнинг муносабатлари «империалистик миллатларнинг катта бўлмаган группаси Совет ҳаракатига ва Совет давлатларига қарши олиб бораётган кураши билан белгиланади... Агар биз буни назардан қочирсак гарчи жаҳонинг энг узоқ бурчагига таллуқли бўлса ҳам, аммо бирорта миллий ёки мустамлакавий масалани тўғри қўя олмаймиз. Фақат шу нуқтаи назарга асослангандагина сиёсий масалаларни цивилизацияли мамлакатларда ҳам, қолоқ мамлакатларда ҳам коммунистик партиялар тўғри қўйишлари ва ҳал этишлари мумкин».

Ленининг бу йўл-йўриғи жаҳон коммунистик ҳаракатчиларининг фаолиятига асос бўлди. Бу йўл-йўриқ коммунистик ва ишчи партияларининг 1957, 1960 ва 1969 йиллардаги халқаро кенгашларида коллектив бўлиб ишлаб чиқилган ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Маочи раҳбарлар мана шу энг асосий масалада бошқача позиция-га ўтиб олдилар.

Эндиликда улар буржуа идеологларидан ўзлари ўрганиб олган реакцион сохта назарияни тарғиб қилмоқдалар. Шу реакцион сохта назарияга кўра тарихий ривожланишни жаҳондаги барча ўрта ва кичик давлатларнинг иккита «ўта буюк давлат» билан — СССР ва АҚШ билан «можароси» белгилаб бераётган эмиш. Бунга маочилар «оралиқ икки зона» тўғрисидаги беъмани тезисни илова қилдилар. Бу беъмани тезисга кўра Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг мазлум халқлари («биринчи зона») «Ғарб ва Шарқдаги баъзи асосий капиталистик мамлакатлар» («иккинчи зона») билан «муштарак манфаатлар орқали боғланиб»гина қолмасдан, шу билан бирга «ўта буюк давлатлар»га қарши курашда мана шу «зона» билан бирлашишлари лозим ва мумкин». Мана шундай «назарияни» рўкач қилаётган Мао-Цзэ-дун группаси жаҳонда биринчи социалистик мамлакатни — Совет Иттифоқини ўзининг бош «душмани» қилиб кўрсатишга уринмоқда.

Маочиларнинг мана шу айтиб ўтилган «назарий» уйдирмалари уларга ўзлари ўтказиб келаётган антисоветизмни, социализм мамлакатларининг, жаҳон Коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатининг бирлигига ва жислигига қарши олиб борилаётган қўпорувчилик харакатини оқламоқ учун, ўзларининг реакцион империалистик кучлар билан принципсиз блок тузганликларини оқламоқ учун керак бўлиб қолди. Шу билан бир вақтда Хитойни ракета-ядро билан қуролланган «ўта буюк давлатга» айлантириш тезлаштирилмоқда. Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари шу тариқа мамлакатлар ва халқлар тақдирининг ҳўжайини бўлиб қолмоқчилар.

Мао-Цзэ-дун группаси Совет Иттифоқини ва бошқа социалистик мамлакатларни ўзининг гегемончилик мақсадларига эришиш йўлидаги асосий ғов деб билмоқда. Шунинг учун ҳам бу группа аввало социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини бўшаштиришга, унинг жислигига путур етказишга интилмоқда. Пекин социализм мамлакатларида миллатчилик кайфиятларни қучайтириш, социалистик мамлакатларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш умидида ҳар қандай воситани ишга солишдан қайтмаётир. Маочилар ўзлари олиб бораётган мана шу қўпорувчилик ишида капитализмнинг қайта тикланишига умидвор бўлиб юрган эмигрант ювиндиҳўрлар билан ҳамкорлик қилмоқдалар, ҳар хил антисоциалистик унсурлардан фойдаланмоқдалар. Германия Федератив Республикасидаги ашаддий миллатчи доиралар билан, яъни социалистик Германия Демократик Республикасига қарши курашни аввалгидек давом эттирадиган доиралар билан алоқа боғлаб олдилар, «Америка овози» ва «Озод Европа» радио станциялари билан алоқа боғламоқдалар.

Маълумки, социализм мамлакатлари социалистик иқтисодий интеграциянинг кенг Комплекс программасини муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар. Бунга, жумладан, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг яқинда Прагада бўлиб ўтган сессияси ҳам яққол кўрсатди. Қардош партияларнинг раҳбарлари иқтисодий ривожланишнинг катта миқёсдаги проблемаларини биргаликда тағин ҳам тезроқ ва қатъийроқ ҳал этиш зарурлигини Қримдаги дўстона учрашувда янги куч билан уқтириб ўтдилар. Хитой раҳбарлари эса социалистик ҳамдўстликнинг интернационал ташкилотларига, — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига ва Варшава Шартномасига қарши ошкора кампания олиб бормоқдалар.

Хитой раҳбарлари барча Коммунистик партияларга қарши бошлаб юборилган ялпи курашни ҳалдай олмаганидан кейин эндиликда айрим коммунистик партияларни маочилар сиёсатини тан-қид қилишдан доқал воз кечтирмиз деган умидда шу компартияларни маочиларнинг халқаро коммунистик ҳаракат билан бўлган принципиал келишмовчиликларга нисбатан «бетарафлик» позициясига ўтишга ундаш пайига тушиб қолдилар. Шу билан бир вақтда Мао группаси маркса-ленинча партияларнинг катта кўпчилигига нисбатан кескин душманлик сиёсатини ўтказишни давом эттирмоқда. Хитой раҳбарлари буржуа партиялари билан алоқаларни кенгайтиришга интилиб, коммунистларга қарши курашда улар билан ҳамкорлик қилишга ўзининг тайёр эканлигини ошкора ёки ниқобланган тарзда изҳор қилмоқда.

Маочи раҳбарларнинг синфий, социалистик сиёсатдан воз кечганлиги уларнинг «учинчи дунё» мамлакатларига бўлган муносабатларида ҳам кўриниб турибди. Хитой раҳбарлари аввало миллий-озодлик ҳаракатини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан яккалаб қўйишга интилмоқдалар.

Пекин ўзини «кичик ва ўрта мамлакатлар» манфаатларининг «ҳимоячиси» қилиб кўрсатишга, «учинчи дунё» мамлакатларининг раҳнамоси бўлиб олишга интилмоқда. Хитой раҳбарлари ўзларининг шу мақсадларга эришиш учун хатто хитой меҳнаткашларининг социал-иқтисодий талабаларига ҳам дог туширишга тайёр эканликларини билдириб, Хитой социалистик дунёга эмас, балки «учинчи дунё»га мансуб бўлиб, ривожланиб бораётган давлат демоқдалар. ЮНКТАДнинг (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва тараққиёт бўйича ташкилоти) яқинда бўлиб ўтган сессиясида Хитой Халқ Республикасининг делегати, Хитойни социалистик мамлакатлар рўйхатидан чиқариб ташлаб, ривожланаётган давлатлар рўйхатига киритиб қўйишни секретариатдан талаб қилди. Мана шуларнинг ҳаммасини улар ривожланаётган мамлакатлар манфаатларининг бош жарчси бўлиб олиб, шу мамлакатлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш, ривожланаётган мамлакатларни социализм дунёсидан яккалаб қўйиш учун қилмоқдалар.

Маочиларнинг аввало Шарқижанубий ва Жанубий Осиёдаги ҳаракатлари, шу жумладан уларнинг Пекин раҳбарлигида Шарқижанубий Осиёдаги бир қанча давлатларнинг ўзига хос ҳарбий сиёсий гуруҳини вужудга келтириш тўғрисида кўп вақтлардан бери ўйлаб қилаётган фикрлари маочиларнинг гегемон бўлиб олишга уринаётганликларини очиқ кўрсатиб турибди. Ҳиндистоннинг тинч ҳиксавар сиёсатини «учинчи дунё»нинг ривожланаётган давлатлари назарида обрўсизлантириш, Ҳиндистонни халқаро майдонда яккалаб қўйиш мақсадида Пекин сира ўзгартирмай ўтказиб келаётган йўл ҳам мана шундан далолат бериб турибди. Озодлик ва мустақиллик учун курашнинг ҳал қилувчи даврида Пекининг Бангладеш халқига қарши энг ашаддий реакцион, милитарист кучлар билан иттифоқ тузганлиги ҳам шу билан изоҳланади.

Кўп йиллардан бери маочилар Бирма, Шри Ланка, Малайзия ва шу райондаги бошқа бир қанча мамлакатларга нисбатан икки юзламачилик сиёсатини ўтказиб келмоқдалар. Маочилар шу мамлакатларда ўзларининг гегемончилик мақсадларига эришмоқ учун ҳар қандай воситадан фойдаланмоқдалар: Пекин ўз сиёсатининг қуролига айлантирмоқчи бўлган мамлакатларда қўпорувчилик ишлари олиб боришдан ҳам, маочилар тарафдори бўлган гуруҳлар тузишдан ҳам, сепаратчилик тенденцияларини қўллаб-қувватлашдан ҳам қайтмаётир. Пекин ўтказаётган йўл Ҳиндистонда, Бирмада, Шри Ланкада революцион-демократларнинг стабиллашувига ҳалақит беришдан, сув лойқатиб балиқ тутиш ва шу тариқа ўз мақсадига эришиш ниятида Шарқижанубий ва Жанубий Осиёда беқарор вазият вужудга келтиришдан иборат бўлмоқда.

Хитой раҳбарларининг капиталистик мамлакатлар билан алоқалари қандай характерда эканлиги ҳам уларнинг ташқи сиёсат йўли синфий социалистик сиёсатдан, социалистик интернационализм принципларидан ажратиб қўйилганлигини яққол кўрсатиб турибди. Маълумки маочилар КПССга ва жаҳон коммунистик ҳаракатига қарши ўн беш йилдан кўпроқ вақтдан бери ўзлари олиб бораётган сиёсий курашни дастлабки пайтларда, империализмга қарши «револьюцион» уруш қилиш, капиталистик мамлакатлар билан бирор битим тузишгача «принципиал равишда йўл қўймаслик», керак деган, турли социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсати оппортунистик сиёсат деган ва шу каби қалбаки ўта сўл гаплар билан ҳар томонлама ниқоблаб келдилар. Ҳозирги вақтда мана шу бемаъни ўта сўл гапларнинг биронтаси ҳам қолгани йўқ. Аслини олганда маочи раҳбарлар ўзларининг бир вақтлар кўкка кўтариб мақтаган программаларининг антиимпериалистик қисмидан воз кечдилар. Бу ҳам камлик қилганидек улар социализм мамлакатларига қарши империализм билан сиёсий иттифоқ бўлиш йўлига тушиб олдилар.

70- йилларнинг бошида Хитой Халқ Республикаси капиталистик дунё билан алоқаларни кенг ривожлантириш томон бурилиш бошлади. Тинч-тотув яшаш принциплари асосида капитал мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш табиий бир нарса, бироқ Пекин бу алоқаларни социалистик давлатлар билан алоқаларни қисқартириш ҳисобига ривожлантирмоқда. Жумладан, Пекин ўз ташқи савдосини капиталистик бозор томон буриб юборди.

Хитойнинг халқаро алоқалари жаҳон социализми позицияларини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ривожлантирилаётган, турли социал-сиёсий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшашнинг ленинча принципларига қурилган бўлса эди, бунга табриклаш мумкин бўларди. Лекин Пекин раҳбарлари Ғарб билан ҳамкорликни бошқача негизга қурмоқдалар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг принципиал сиёсий йўли кескинликни юмшатишга, капиталистик дунёнинг реакционагрессив кучларини яккалаб қўйишга, жаҳон социализмининг, коммунистик, ишчи ва миллий озодлик ҳаракатининг позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган йўлдир. Маочи раҳбарлар бу принципиал сиёсий йўлга зид ўлароқ урушқоқ антисоветизм позициясида турган, агрессив реваншчилик сиёсатини ўтказиб келаётган, шармандаси чиққан «совуқ уруш» сиёсатини давом эттиришни талаб қилиб, тараққиёт кучларига қарши чиқаётган энг реакцион империалистик кучлар билан очиқдан-очиқ сиёсий иттифоқ тузмоқдалар. Илгари маочилар социалистик давлатлар билан капиталистик давлатларнинг ўзаро муносабатлари масаласида СССРга ҳужум қилиб, капиталистик мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш сира мумкин эмас, деб асоботлашга урининб келган бўлсалар, эндиликда ашаддий антисоветизм мантиқи уларни империализмнинг энг агрессив доираларга билан очиқдан-очиқ оғиз-бурун ўпишишга олиб келди. Партиямиз Марказий Комитетининг 1964 йил февраль Пленумидаёқ: «Хитой раҳбарлари ўзларининг ленинизмга қарши нотўғри йўлларидан бориб, қаҳқаҳда империализмнинг реакцион, урушқоқ унсурлари билан оғиз-бурун ўпишишдиган бўлиб қолмасмикинлар» деб кўрсатиб ўтилган эди. Бироқ Пекиндагилар бу огоҳлантиришга қулоқ солмадилар.

2.

Социализмнинг туб манфаатларига, барча халқларнинг манфаатларига мувофиқ Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, планетанинг тинчликсевар кучлари жаҳон сиёсатидаги ижобий тенденцияларни ривожлантириш ва қарор топтириш учун актив кураш олиб бормоқдалар. Бу кураш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Кенгаш ўз ишини бошлаб юборди. Осиёда коллектив хавфсизлик вужудга келтириш деган фикрнинг тарафдорлари тобора кўпаймоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси қуролланиш пойгасига қарши қаратилган бир қанча резолюциялар қабул қилди. Совет Иттифоқининг АҚШ, Франция, Германия Федератив Республикаси ва бошқа мамлакатлар билан муносабатлари янада ривожланди, бу муносабатлар жуда муҳим халқаро проблемаларни келишиб ҳал қилиш йўлларни топишга қаратилган муносабатлардир. Инсониятни жаҳон термоядро уруши хавфидан халос қилиш йўлида муҳим қадам қўйилди.

Социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарларининг Қримдаги учрашуви ахборотида уқтириб айтилганидек, ҳозирги вақтда халқаро майдондаги ижобий силжишларни барқарор қилиш, тузилган битимлар ва шартномаларни реал мазмун билан тўлдириш, мустаҳкам тинчлик сари янги қадамлар қўйиш учун замин тайёрлаш муҳим вазифадир.

Совет Тинчлик программасининг обрўйини тўкишга бор кучлари билан уринаётган Пекин раҳбарларининг чиқишлари ана шуларнинг ҳаммасига кескин равишда зид бўлиб тушмоқда. Бундай чиқишлар Пекин ташқи сиёсатининг асосий йўли бўлиб қолди.

Шу тариқа Пекин Европадаги ижобий силжишдар йўлига ғов солишга рўй-рост интилмоқда, социалистик ҳамдўстликнинг шу қитъадаги позицияларини заифлантиришга уринмоқда.

Умуман олганда Хитой томонидан Европага нисбатан ўтказилаётган сиёсатнинг негизи нималиги 1970 йилдаёқ, яъни маочилар «1-2 ўта буюк давлатга» қарши кураш тўғрисидаги тезиснинг ҳақиқий маъносини очиб беришга киришган вақтларидаёқ таъриф-лаб берилган эди. Чжоу Энь-лай Ғарбий давлатларнинг вакиллари билан ўтказган суҳбатларида «Бу давлатларнинг қуввати Ғарбда Совет Иттифоқини тийиб турадиган омил бўлишини» истайман, деган фикрни бир неча марта айтган эди.

Пекин Германия Федератив Республикасидаги реваншчи доираларни рағбатлантириш билан бир вақтда Совет Иттифоқининг ва Польша Халқ Республикасининг Германия Федератив Республикаси билан тузган шартномаларига қарши чиқмоқда.

Пекин иккинчи жаҳон урушининг якуларини ва Европада вужудга келган давлат чегараларининг ўзгармаслигини шубҳа остига олишга интилмоқда.

Хитой раҳбарлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Кенгашга дог тушуришга уринмоқдалар, Европа мамлакатларида шу Кенгашнинг боришига оз-моз бўлса ҳам тўсқинлик қилмоқчи бўлган кучларни актив равишда қўллаб-қувватламоқдалар. Хитой раҳбарлари шу даражага бориб етдиларки, энди улар НАТОни ва «Атлантизм принципларини» мақташдан ҳам қайтмаётирлар.

Атлантика блоки раҳбарлари Европада қурол-яроғларни ва қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида жамоатчилик томонидан қўйилаётган талабларга қаршилик кўрсатишга борган сари қийналиб турган бир пайтда Пекин Европада АҚШнинг қуролли кучларини сақлаб қолишни талаб қилиб чиқди. Яқинда Чжоу Энь-лай Германия Федератив Республикасида жойлаштирилган АҚШ қуролли кучлари қисқартирилсин деган фикрга мойиллик қилаётган Америка сиёсатдонларини айблаб «Вашингтон пост» газетасида, улар «ғўллик» қилмоқдалар, деб ёзди. У «Коммунизм йўлини тўсиб қўйиш» стратегларининг классик услубида ўз фикрини баён қилиб бундай деди: «Москва Ғарбга сохта хавфсизлик иллюзиясини сингдиришга интилмоқда». Чжоу Энь-лай Ғарб матбуотини СССРнинг тинчликсевар сиёсатига қарши чиқишга, НАТОга аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳарбий бюджетларини қисқартиришга қарши чиқишга, Ғарбий Европанинг капиталистик мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий бирликни қўллаб-қувватлашга ундамоқда. У Умумевропа ҳамкорлиги системасига қарама-қарши «Атлантик бирлик» бўлсин деган тезисни қўллаб-қувватламоқда. Чжоу Энь-лай хатто янги «Атлантик хартия» бўлсин, деган фикрни ҳам айтди. Агар бу хартия советларга қарши қаратилган бўлса, мана шу шартнинг ўзи уни қўллаб-қувватлашимиз учун кифоя қилади, деб писанда қилиб қўйди.

Европа қитъасининг барча низоли масалаларида Пекин ҳар доим НАТО томонини, капиталистик «Умумий бозор» томонини олиб келмоқда. «Хитой ташқи сиёсатининг фалсафаси бесўнақай даражада жўн, — дейилади Ғарбий Германиядаги «Нойе Рейнцайтунг» газетасида босилган мақоласида, — у нимани русларга фойдали бўлса ёмон деб, русларга зарар бўлган нарсаларнинг ҳаммасини эса яхши деб даъво қилаверади. Демак шу схемага кўра НАТО ҳам яхши деб ҳисобланади».

Шундай қилиб, Пекин раҳбарлари Шарқий Европа халқларининг социалистик ғалабаларини ўзгартириб бўлмаслигини тан олишга, Европа қитъасида социалистик ҳамдўстликнинг таъсирини кучайтиришга қарши чиқаётган куч ролини бажармоқдалар. Коммунистик ва ишчи партиялар Пекининг реакцион реваншчи кучлар позициясига мос бўлиб тушаётган бундай йўлини қораламоқдалар.

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг шу йил май ойида бўлиб ўтган пленумида бундай дейилган эди: «Антисоветизм, буюк давлатчилик, миллатчилик мақсадларига ақл бовар қилмайдиган воситаларни ишга солиб бўлса ҳам эришишга интилиш Хитой Коммунистик партияси ҳозирги раҳбарининг халқаро майдонда ўтказаётган сиёсати учун асосий мурват бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Масалан, улар ўзларини Ғарбий Европа капиталистик давлатларининг, монополиялар «кичик Европасининг» иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий интеграция қилинишига қизғин тарафдор эканликларини дангал айтмоқдалар, ваҳолонки улар ҳозирги шароитда бундай интеграция империализм ўтказиб келаётган, тиғи Совет Иттифоқига қарши қаратилган умумий стратегиянинг бир қисми эканлигини жуда яхши билишади».

Ғарбдаги реваншчиларнинг вакиллари Пекин сиёсатини олқишлаётганликлари, бу сиёсатдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётганликлари ажабланарли бир ҳол эмас. Масалан, Ғарбий Германия ультраларининг раҳбари Штраус бундай деб ёзди: «Рус — Хитой зиддиятлари Европа учун зарарли эмас, балки фойдалидир, чунки биз, европаликлар учун «қизил хавф» хитой эмас, балки Совет Иттифоқидир... Бизнинг манфаатларимиз билан Хитойнинг манфаатлари қисман ва вақтинча бир-бирига мос бўлиб тушмоқда».

Маочилар «учинчи дунё» мамлакатларида ўзлари ўтказиб келаётган тактикага мувофиқ Европа қитъасидаги барча халқларнинг, шу жумладан Хитой халқининг ҳам манфаатларига жавоб берадиган коллектив хавфсизлик системаси Осиёда вужудга келтирилсин деган таклифга тиш-тирноқлари билан қарши чиқдилар. Хитой раҳбарлари Осиёда Америка ҳарбий кучларининг сақланиб қолишига ўзларининг рози эканликларини мана шу ижобий ташаббусга қарама-қарши қилиб қўйдилар. Чжоу Энь-лай Америка конгрессининг аъзолари Фордга ва Боггсга мана шу гапни айтди. Пекин Япония — Америка хавфсизлик шартномасини ҳамда АҚШнинг Яқин Шарқдаги «ядровий ҳомийлигини» аслида қўллаб-қувватлаётганлигини айтди.

Маочи раҳбарларнинг Яқин Шарққа нисбатан сиёсати уятсизларча иккиюзламалик сиёсатидан иборат бўлмоқда. Хитой араб халқларининг курашига биз биргаммиз, деб жар солаётган бўлса ҳам, аммо Исроил оккупация қилинган араб ерларини қайтариб берсин, деган талаб қўйилган резолюцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXVII сессиясида қўллаб-қувватлашдан бош тортди. «Ўрта денгиз — шу денгиз соҳилидаги мамлакатларники» деган ва демагогиядан иборат бўлган кампания авж олдириб юборилганда ҳам Пекин Исроил экспансиячиларини маънавий-сиёсий жиҳатдан қувватлаётганлиги яққол аён бўлди. Шу районда НАТО позициясини сақлаб қолишга интилиш мана шу шиор билан ниқобланди. Ваҳолонки НАТОнинг агрессив доиралари сионизмнинг, иркчиликнинг ва мустамлакачилик қолдиқларининг асосий таянчи бўлиб хизмат қилаётганликлари яхши маълум.

Маочи раҳбарлар Осиёдаги барча масалаларни биргаликда ҳал қилишда биз Японияни ўзимизга «доимий шерик» қилиб олдик, деган хом хаёлни Токионинг ҳукмрон доираларида туғдиришга интилиш билан бир вақтда шу мамлакатнинг энг ашаддий реваншчи доиралари билан иноқлашмоқдалар, уларни СССРга нисбатан территориал даъволар қўйишга ундамоқдалар, социалистик ҳамдўстлик билан тинч-тотув яшаш сиёсатидан воз кечишга ҳар хил ваъдалар бериб, шу мамлакатни кўндиришга уринмоқдалар.

Халқаро муносабатларда куч қўлланмаслик ва ядро қуролини қўлланишни абадий тақиқлаш тўғрисидаги резолюция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXVII сессиясида овозга қўйилган вақтда маочиларнинг позицияси тинчликсевар халқларнинг туб манфаатларига бутунлай қарама-қарши эканлиги аён бўлиб қолди. СССР ташаббуси билан кун тартибига киритилган бу резолюцияни 75 мамлакат делегациялари маъқуллади, ўрт мамлакат (Хитой Халқ Республикаси, Албания, Португалия ва Жанубий Африка Республикаси) бу резолюцияга қарши чиқди. Халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Декларацияни амалга ошириш хусусидаги резолюция муҳокама қилинганида ҳам Хитой Халқ Республикасининг вакиллари яккаланиб қолдилар. Бу резолюцияда барча давлатлар қуролли можароларни, иркчиликни, мустамлакачиликни ва чет давлатлар ҳукмронлигини тугатиш чораларини кўрсинлар, кескинликни юмшатиш ва жаҳонниг турли районларида коллектив хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайрат сарфлашни кўпайтирсинлар, дейилган эди. Совет Иттифоқи бир группа социалистик мамлакатлар, Африка — Осиё ва Лотин Америкаси давлатлари билан биргаликда киритган бу резолюцияга фақат икки делегация, яъни Португалия билан Жанубий Африка Республикаси делегациясиғ қарши овоз берди (Хитой Халқ Республикасининг вакили резолюция овозга қўйилаётган маҳлисда «ҳозир бўлмасликни» афзалроқ кўрди).

Пекин раҳбарлари «ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги 1963 йилги шартномада асло қатнашмаймиз», демоқдалар. Улар ядроли беш давлатнинг конференциясини ўтказиш тўғрисида СССР томонидан қилинган таклифга қарши сершовқин кампания бошлаб юбордилар, қуролсизланишга бағишланган Жаҳон конференциясини тайёрлашга тўсқинлик қилмоқдалар, стратегик қуролларни чеклаш масалалари устида олиб борилаётган Совет — Америка музокараларини зўр бериб ёмонламоқдалар. Пекин химиявий ва бактериология қуролини тақиқлашга қаратилган чораларни қўллаб-қувватлашдан намойишкорона бош тортмоқда.

Атмосферада ва ерда ядро синовларини мунтазам равишда ўтказаётган маочилар ядро ва термоядро синовларини тўхтатиб қўйиш мутлақо зарур деган резолюцияга Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қарши овоз бердилар.

Маочилар жаҳондаги халқаро жамоатчиликнинг кенг доираларини ва халқлар ядро ва термоядро қуролларини тақиқлаш тўғрисида қилаётган талабларни манманлик билан менсимаётганликларининг ва яқинда улар атмосферада водород бомбаси синовини намойишкорона ўтказганликларининг сабаби ҳам мана шу.

Чжоу Энь-лай яқинда Америка конгрессининг бир группа аъзолари билан суҳбатда ядро урушининг олдини олиш тўғрисида яқинда имзоланган Совет — Америка битими «бир парча қоғоздан бошқа нарса эмас» дейишдан ҳам қайтмаганлиги маочи раҳбарларнинг сурбетлиги, инсониятнинг туб манфаатларини назар-писанд қилмаётганлиги қай даражага бориб етганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Пекининг уруш ва тинчлик масалаларидаги бу позицияси тасодифий эмас, унинг ётсланаётган нарсаси шуки, маочилар урушни халқаро майдонда ўзларининг сиёсий мақсадларига эришиш йўлидаги асосий воситалардан бири деб кўпдан бериб айтиб келмоқдалар.

Шу муносабат билан чет эллардаги обзорчиларнинг кўплари, муайян сиёсий мақсадга эришмоқ учун инсониятнинг ярмини қурбон қилиб юборса ҳам бўлади, деб Мао Цзэ-дунинг 1957 йилда айтган гапини яна эслатмоқдалар.

Ички пропагандада Хитой раҳбарлари уруш васвасасини авж олдириб бундай демоқдалар: «Урушнинг олдини олиш мумкин деган назария хавфли назария... Урушнинг олдини олиш мумкин эмас. Ҳозирги вазиятда урушнинг олдини олса бўлади деган қарашларга қарши қаттиқ курашмоқ керак».

Мана шуларнинг ҳаммаси маочиларнинг уруш ва тинчлик, тинч-тотув яшаш проблемаларига нисбатан ҳақиқий позицияси, халқларнинг манфаатлари ва истак-орзуларига зид бўлган позициянинг қандайлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, ҳозирги замонинг энг зарур проблемаларига нисбатан Хитой раҳбарларининг ўтказиб келаётган йўли социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик харакатнинг, миллий озодлик учун курашувчиларнинг, барча тинчликсевар кучларнинг жаҳонда кескинликни юмшатишга, агрессив империалистик кучларни жиловлашга қаратилган ҳаракатларига зид бўлиб тушмоқда.

3.

Маочиларнинг социализм, озодлик, тараққиёт кучларининг жислигини қўпоришга, кескинлик юмшаб бораётганлигини тўхтатишга, зиддиятларни, низоларни, тартибсизликларни авж олдиришга қаратилган ташқи сиёсат фаолиятига социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, жаҳон коммунистик ҳаракати, бутун тинчликсевар жамоатчилик қатъий зарба бермоқда.

Империалистик ва реакционмиллатчи кучларни маочи раҳбарлар ўзларининг гегемончилик мақсадларини амалга оширишда бизнинг муваққат ҳамроҳларимиз деб ҳисобламоқдалар. Мана шу империалистик ва реакцион-миллатчи кучларга келганда улар Хитой халқига душман бўлган ўзларининг эгоистик мақсадларини кўзламоқдалар. Улар Хитойнинг антисовет ва антикоммунистик позицияларда мустаҳкамланиб қолишидан манфаатдор эканлиги яққол кўриниб турибди. Улар Хитой Халқ Республикасини империализмга боғлаб қўйишга, иқтисодий ва техникавий жиҳатдан қарам мамлакатга айлантиришга интилмоқдалар. Шу билан бирга Ғарбнинг энг узоқни кўрадиган сиёсий доиралари Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши биргаликда курашиш тўғрисида Пекин таклиф қилаётган фикрларга ҳаворитлик назари билан қарамоқдалар. Бу доиралар Пекин раҳбарларининг янги халқаро можаролар ўчогига ўт қўйишга, жаҳонни уруш жаҳаннамига судрашга ошкора интилаётганликлари сабабли ҳаворитга тушаётганликларини айтмоқдалар.

«Учинчи дунё» мамлакатларида Пекин ўзининг гаразли манфаатларини кўзлаб таъсирини ўтказишга интилаётганлиги миллий-озодлик кучларини қақли равишда ҳаворитликка ва ташвишга солмоқда. Пекин ўнгга томон кескин равишда бурилганлиги, унинг ошкора антисовет ва антисоциалистик фаолияти, реакцион режимлар ва сиёсий партиялар билан сиёсий принципсизлик билан оғиз-бурун ўпишаётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси Хитойдаги ҳозирги раҳбарларнинг мақсадлари ривожланаётган мамлакатлар халқларининг манфаатларига зид эканлигини очиқ кўрсатиб турибди.

Миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашаётган халқлар империалистларнинг ва маочиларнинг пропагандаси пуч эканлигини, Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликнинг бошқа қардош мамлакатлари бераётган ёрдам, улар билан актив ҳамкорлик қилиш ривожланаётган мамлакатлар мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканлигини, экспансионизмга қарши асосий гарантия эканлигини ўз тажрибаларида кўриб, бунга қаноат ҳосил қилмоқдалар.

Маочиларнинг буюк давлатчилик йўли, гегемон бўлиб олишга интилаётганлиги Хитойнинг ўзидаги ривожланишнинг объектив эҳтиёжларига зид бўлиб тушмоқда. Хитой Халқ Республикасидаги ишчилар синфининг, зиёлиларнинг кооперативлашган деҳқонларнинг манфаатлари маочи раҳбарларнинг халқ манфаатига зид бўлган назарияси ва практикаси билан, буюк давлатч

ПЕЧДА ЯСАЛГАН ЛАЪЛ

Калинин номли Черноречанский химия комбинати ишлаб чиқараётган сунъий «Рубин-10» корунд яна давлатсифат белгисига сазовор бўлган бирдан бир синтетик қимматбаҳо тошдир. «Рубин-10» бир қанча кўрсаткичлари, жумладан кристалларнинг катталиги ва геометрияси жиҳатидан сунъий тош ишлаб чиқариш технологиясида пешқадам ҳисобланилган швейцариянинг «Жева» фирмаси маҳсулотидан устун туради.

Чернореченскийликлар алюминий аччиқ тошидан рубин кристаллари ўстиришни ўрганиб олишди. Улар махсус установкаларда юксак температура воситаси билан турли хил рангда кунига неча ўнлаб килограмм корунд ҳосил қилиб туришди. Тўқ қизил «Рубин-10» кўплаб ҳосил қилинади. Унинг туси табиий асл тошникидан фарқ қилмаса-да, тоғалиги ва пишиқлиги жиҳатидан ундан анча устун туради. Шунинг учун ҳам синтетик лаъл соатсозлик ва асбобсозлик саноатидан табиий лаълни суриб чиқарди.

Заргарлар ҳам сунъий материални афзал билишмоқда. Печда ҳосил қилинган тошнинг қирралари табиий тошнинг сингари жилоланиб туради. Масалан, Калинин номли комбинатда 50 хил турда корунд ҳосил қила олишади.

Яқинда бу корхонада айни бир вақтда ўнлаб кристалл ҳосил қилиш мумкин бўлган блок ишга туширилди. Иккинчи шундай установка монтаж қилиб битирилянти. Шу ва бошқа янги ускуналар туфайли комбинат коллективи беш йиллик охиригача корунд ҳосил қилишни уч баравардан зиёд кўпайтирмоқчи.

В. ИОНОВ.
ТАСС мухбири.
Дзержинск, Горький области.

БИРИНЧИ ҚУНГИРОҚ ХУМОРИ.
А. Тўраев фотоэтюди.

КЎРИК ҒОЛИБЛАРИ

Мамлакатимиз халқлари драматургияси ва театр санъатининг 50 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ фестивали кунлари чиқарилди.

Шу катта ижодий кўрикда 375 театр қатнашди. 900 га яқин янги спектакль қўйилди, қардош республикалар драматургларининг 300 та пьесаси саҳнага қўйилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ЎзТАГ мухбирига маълум қилишларича, республикамиздаги бир қанча ижодий коллективлар, драматурглар, театр арбобларининг ишлари тақдирланган.

СССР Маданият министрлиги ва СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг қарорига биноан, Зулфия билан Светлана Сомова, «Семург» пьесасини яратганликлари учун диплом ва мукофотга сазовор бўлдилар. Ч. Айтматовнинг пьесаси асосида қўйган «Момо ер» спектакли учун Станиславский номли Қорақалпоғистон музикали драма ва комедия театри; И. Бичковнинг пьесаси асосида қўйган «Алдар кўса» спектакли учун Ўзбекистон давлат қўғирчоқ театри; А. Макаенка пьесаси асосида қўйган «Трибунал» спектакли учун Ўзбекистон давлат «Ёш гвардия» театри мукофотлар билан тақдирланди.

Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театрининг артисти З. Садриева М. Карим пьесаси асосида қўйилган «Ой тутилган тунда» спектаклида бош ролни ижро этганлиги; «Ёш гвардия» театрининг артистлари Аҳмедов ва К. Аъзамова «Трибунал» спектаклида бош ролни ижро этганликлари; Қўғирчоқ театрининг режиссёри И. Ёқубов «Алдар кўса» спектаклини қўйганлиги учун юксак баҳо олдилар.

Озарбайжон драматурги М. Иброҳимовнинг «Сўнмас ўт» пьесасини Ўзбек тилида баён қилганлиги учун Комил Яшин, Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда» пьесасини бошқирд тилидан таржима қилганлиги учун Зулфия, қозоқ драматурги О. Бодиковнинг «Қорақум фожиаси» пьесасини таржима қилганлиги учун Ўлмас Умарбеков янги яхши таржималар учун бериладиган дипломларга сазовор бўлишди.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/VIII да **Ўғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/VIII да **Ўжарлар**, 30/VIII да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Тақиқланган муҳаббат — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Муҳаббат ғўзаллиги (13.00, 17.00, 20.45), **Тилла ўқ** (11.00, 15.00, 19.00, 22.30) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Рам ва Шам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (10.00, 12.30, 15.00, 17.40, 20.20).

Ҳамроз — «ҚЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.30).

Биз бу ерда яшаймиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Дунё — ҲАМЗА номли (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Бошсиз чавандоз — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.45). «ЧАЙКА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00).

Бўғиздаги тош — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (10.00, 11.45, 13.30, 15.30, 17.00, 18.45, 20.30).

Церник иши — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ОТАЛИК БУРЧИ

ПРОКУРОР МУЛОҲАЗАЛАРИ

Оила тўғрисида ғамхўрлик қилиш Совет давлатининг муҳим вазифаларидан биридир. Совет кишиларининг моддий фаровонлиги тобора ошаётганлиги, уларнинг оилавий турмуши, маданий-маиший шароитларининг борган сари яхшиланаётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда оналар юксак қадрланмоқда. Уларга ғамхўрлик қилиш ва рағбатлантиришга, бахтли болаликни таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш учун оилага ҳар томонлама ёрдам берилаётир. Болалар боғчалари, яслилар, мактаб-интернатлар ва бошқа болалар муассасалари сони борган сари кўпаймоқда.

Лекин, болаларни тарбиялаш, уларни жисмоний чиниқтириш, ўқитиш ва ижтимоий фойдали фаолиятга тайёрлашда асосий масъулият уларнинг ота-оналари зиммасига тушади. Маълумки, вояга етмаган болалар ўз ота-оналарига ҳар томонлама қарамдирлар. Ота-она бирга яшаган ва бирга рўзғор тебратганда болалар таъминоти масаласи кўпинча майдонга чиқмайди. Турли сабабларга кўра ота ва она ажрашиб кетганда бола билан бирга турмайдиган ота (она) унинг таъминоти учун маблағ (алимент) тўлаб туришга мажбур.

Амалдаги қонунларга кўра, алимент тўлашга мажбур бўлган киши бу ҳақда ихтиёрий равишда ўзи ишлайдиган (ўқийдиган) жой маъмуриятига маълум қилади, ёки бевосита ўзи тўлаши мумкин. Аммо алимент олувчи шахс хоҳлаган пайтда судга мурожаат қилиб, алиментни суд қарори асосида олиш ҳуқуқига эга.

Алиментни корхона, муассаса ёки ташкилот маъмурияти орқали тўлаш алимент тўловчи учун ҳам, олувчи учун ҳам қулайдир. Шунинг учун алимент тўлашнинг бу тартиби амалда кенг қўлланилади. Маъмурият алимент тўловчининг аризаси ёки суд томонидан бериладиган ижро варақаси бўйича ҳар ойда иш ҳаки (пенсия, стипендия)дан тегишли суммани ушлаб қолиб, уч кун ичида уни аризада ёки ижро варақасида кўрсатилган шахсга тўлаши, ёки почта орқали жўнатиши лозим. Алиментнинг тўғри ушланиши ва ўз вақтида жўнатилишини таъминлаш вазифаси корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларига ва бош бухгалтерларига юклатилган. Алимент тўловчи шахс ишдан бўшаган (ўқишдан кетган) тақдирда маъмурият ижро варақасини дарҳол гегишли судга қайтариши ва бу ҳақда алимент олувчига хабар бериши зарур.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, айрим корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маъмуриятлари болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги қонунларни тўла бажармаётирлар. Баъзи бухгалтерия ходимлари бу масъулиятли ишга панжа орасидан қарамоқдалар. Масалан, Ништихон район маиший хизмат комбинатининг бош бухгалтери Раҳимовнинг айби билан шу ерда ишловчи Бабаянниг ил ҳақидан, ой мобайнида алимент ушлаб қолинмаган. Бундай фактлар Ўргут районидаги Охунбобоев номли колхозда, Тошкент шаҳридаги «Фотореклама» комбинатида, Дўстлик районидаги 13-совхозда ва бошқа айрим корхона, идораларда ҳам аниқланди. Баъзи корхона ва идоралар бухгалтериялари ходимлари эса алимент пулларини ҳар ойда ушлаб қолсалар-да, лекин уларни тўплаб ўтирадилар. Бу пулларни ўз вақтида эгаларига жўнатмайдилар. Термиз шаҳридаги 20-автобаза бухгалтерияси 1972 йилнинг охирги ойларида 12 та ижро варақаси бўйича ушлаб қолинган алиментларни уч ойдан ортиқ ушлаб ўтирган ва шу йилнинг апрель ойидагина жўнатган. Шўрчи районидаги «Коммуна» колхозининг бухгалтери Ҳасанов эса бу ишда «рекорд» қўйган. У Ким деган аёл фойдасига ундирилган алимент пулларининг ўн икки ойлигини тўплаб, сўнгра алимент олувчига юборган.

Ишдан бўшаб кетган ходимларга таалуқли ижро варақаларини ўз вақтида тегишли судга қайтармаслик ва бу ҳақда алимент олувчиларга хабар бермаслик фактлари айниксе кўп учрайди. Бунинг натижасида алимент тўлашга мажбур бўлган шахсларнинг янги иш жойларида уларнинг маошидан алимент ундирилмай қолянти. Ўрта Осиё «Электроаппарат» бирлашмасига қарашли биринчи асосий завод маъмурияти 11 ижро варақасини халқ судига 8 ойдан сўнг қайтарган. Сурхондарё область суғориш тармоқлари бошқармасига қарашли автобаза бухгалтерияси Буровводан алимент ундириш ҳақидаги ижро варақасини у ишдан бўшаб кетгандан сўнг ўн ой сақлаб ўтирган.

Болалар таъминоти учун белгиланган маблағларнинг ўз вақтида ундирилмаслиги ва жўнатилмаслиги алимент олувчилардан, айниқса оналардач юқори ташкилотларга, газета ва журналлар редакцияларига ариза ва шикоятлар тушишига сабаб бўлянти.

Юқорида қайд қилинган камчиликларни бартараф қилиш, болалар таъминоти учун алимент ундириш ишини яхшилаш, бу масала юзасидан идора раҳбарлари ва бухгалтерия ходимларининг масъулиятини ошириш жуда муҳим вазифадир. Суд ижрочилари корхона, муассаса ва ташкилотларда вақти-вақти билан текширишлар ўтказиб туришлари, айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласини қўйишлари лозим.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, алимент тўлашга мажбур бўлган аксарият кишилар ўз мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажарадилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин алимент тўлашдан бўйин товлаб юрадиган оталар ҳам бор. Бундай шахслар бир жойда ишламасдан, яшаш жойларини ҳам тез-тез ўзгартириб туришади, пропискадан ўтиб-майдн. Бу уларни кидириб топишни қийинлаштиради.

1936 йилда туғилган. А. Кабанов алимент тўлашдан қочиб, Тошкентда пропискадан ўчмаган ҳолда Избосқан районидаги Охунбобоев номли колхозда ишлаб юрган. У Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 104-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилди. Боғвут районидаги «Коммунизм» колхозидан Маъмур Тожибоев болалари ва касал хотинини ташлаб, икки йилгача янги ўзлаштирилаётган ерларда қочиб юрган. Совет қонунларини бажаришдан бўйин товлаган М. Тожибоев бир ярим йил муддатга қамоқ жазоси олди.

Ўз оталик бурчини унутиб қўяётган, социалистик қонунчиликни бажаришдан бош тортаётган бундай ношоҳ шахслар жамоатчилик нафратига учрайди. Корхона ва идора коллективлари, кадрлар бўлимлари ва бухгалтерия ходимлари бундай шахсларга қарши курашда фаол иштирок этишлари даркор. Чунки болалар таъминоти ёш авлодни тарбиялашдек муҳим иш билан бевосита боғлиқдир.

С. ИНГИТАЛИЕВ.
Ўзбекистон ССР прокуратурасининг бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

КЎРИНМАС МИКРОФОН

А. С. Попов номли Бутуниттифоқ радио эшиттириш ва акустика илмий тадқиқот институтининг мутахассислари авторучка ичига ўрнатиш мумкин бўлган микрофон ясашди. Бу микрофон турли ҳаҳмиятдаги ихчам магнитофонларга аталган ва музика билан нутқни жуда сифатли қилиб ёзиб олишга имкон беради. Одатдаги мембрана ўрнига электрет пленка ишлатилиши туфайли шундай асбоблар ясаш мумкин бўлди.

Туладаги «Прибой» заводи янги маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда.

ТАСС мухбири.
Ленинград.

СПОРТ ХАБАРЛАР

Спартакиада одимлари

Ўзбекистон XVI спартакиадаси мусобақалари қизғин паллага кирди. Майдончалар, стадионлар, бассейнлар, югуриш йўлкаларида спортнинг қариб 20 тури бўйича қизғин бел лашувлар давом этмоқда. Енгил атлетикачилар Марказий «Пахтакор» стадионида ўтказилган мусобақаларда дурраст натижаларга эришдилар дейиш қийин. Жумладан, ёшларнинг Бутуниттифоқ спорт ўйинларида муҳислари қайратга солган В. Здонов билан Р. Бабичлар суткашцикка йўл қўйишди. Уларнинг бири 100 метрга югуришда 10.9 секундлик натижага эришган бўлса, иккинчиси 11,9 секунд вақт сарфлади. Найза отиш бўйича Г. Рибкин 73.24 сантиметрли кўрсаткич билан муваффақиятсизликка учраб, Шунингдек, А. Нормуродов 5 минг метрга югуришда муҳислар олқишига сазовор бўлди.

Спартакиада программасига киритилган дзюдо кураши голиблари ҳам аниқланди. Вазирларга кўра дина, мочилар Т. Чориев, С. Алимов, Ф. Родионов, меҳнатчилар А. Филин, А. Кочедиковлар спартакиада чемпиони номига сазовор бўлишди. Команда ҳисобида динамочилар биринчи, «Меҳнат» ва «Буревестник» жамиятлари қолган фахрли ўринларни эгаллади.

Ҳисса

ГФРнинг Дуйсбург шаҳрида сув полоси бўйича Европа чемпионатч мусобақалари нихоясига етди. Ешлар ўртасида ўтказилган бу ўйинларда совет терма командаси биринчи ўринни олиб, кумуш медали бўлди. Терма команда составида иштирок этган тошкентлик меҳнатчи Сергей Руданов ватерполачиларимиз галабасига муносиб ҳисса қўшди.

Ўн биринчи марта

Москвада анъанавий равишда ўтказилаётган хоккей бўйича навбатдаги халқаро турнир тугади. «Советский спорт» газетаси совриги учун кураша турли мамлакатдан 20 га яқин команда ўзаро куч синашди. Совриндорлик учун курашнинг охирги учрашуви ЦСКА ва Москванинг «Спартак» командалари ўртасида бўлди. Бу ўйинда 6:5 ҳисобида галаба қилган армиячилар ўн биринчи марта мазкур турнир голиби саналди.

ЛЕНИНГРАДДАН ХАТ

ТАБРИКЛАЙМАН, ДЎСТИМ

Асқар Саъдиев денгизчи эмас, ҳарбий хизматчи ҳам эмас. Шунга қарамай, ҳар йили июль ойида ҳарбий денгизчилар байрами яқинлашганда вице-адмиралдан хат олади. Бу — табрик хати. Асқар Саъдиевни байрам билан табриклаб, уни ҳарбий денгиз парадида фахрли меҳмон сифатида қатнашишга таклиф қиладилар. Бунга ажаблаимаса ҳам бўлади. Асқар Саъдиевни бутун Болтиқ бўйида биласиз. Кемаларнинг капитанлари, матрослари унинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Яқинда водолаз Саъдиев ўз фаолиятининг 30 йиллигини нишонлади. Шу вақт ичида у сув остида бўлган дамлар жамланадиган бўлса борми, деярли бир ярим йилга етади.

Кирқинчи йилда Тошкентдаги Чапаев номли мактабни битирган Саъдиев Ленинградга ўқишга келди. Олий ўқув юртига қабул қилинди. Лекин тез орада ўқишни ташлаб кетди. Ҳозир эса, у пушаймон қилмайди. Ҳаёт йўлини тўғри танлаганига ишончи комил. Денгизга, денгиз ишига муҳаббат бошқа иштиёқлардан устун келди.

1941 йилда водолазлар мактабига ўқишга кирар экан, Асқар Саъдиев ғалати гапни эшитди. Шу мактаб ўқувчилари сув остидаги олов тўғрисида гапиришарди. Уч ойдан сўнг эса унинг ўзи ҳам турли чуқурликларда металл кирқишни, пайванд қилишни ўрганиб олди. Мактаб инструктори Андрей Иванович Марченко ўз билимини аямас, бу ўзбек йигити учун бутунлай нотаниш бўлган водолазлик касбини миридан сиригача ўргатарди.

Асқар ўзи севган касб «сирларини ўрганиб олди. Лекин бу ишга ҳавас, қизиқиш сўнмади. Аксинча, кундан-кунга ошиб оларди.

Эллигинчи йилнинг бошларида чет эл газеталари машҳур америкалик водолаз Линдберг Тинч океан соҳилида 240 фут (73 метр) чуқурликка тушганлигини шовшув билан ёзишди. Худди шу вақтда авария-қутқарув ишлари Ленинград группасининг нихита синовчи водолази Марченко ва Саъдиевларнинг иш журналида қуйидаги ёзув пайдо бўлди: «150 метр». Кейинчалик рақамлар ўзгара бошлади: 160... 170... 180... 190... Кўп ўтмай Саъдиев ўз устози Андрей Иванович Марченкодан ўзиб кетди. У 200 метр чуқурликка тушиб ишлади. Икки совет водолази — Андрей Марченко, Асқар Саъдиев босим 20 баравар ортиқ бўлган 200 метр чуқурликка тушдилар.

Бундан 30 йил аввал Асқар қутқарувчилик ишини танлади ва бу ишга содиқ қолди. Айтишга осон. Водолазлик касби мардлик ва жасорат талаб қилади. Ҳолдан тойиб, кучдан кетгунча ишлаб, ҳалокатга учраган кемани қутқарар экансан, бунинг мазмуни, моҳияти бутунлай бошқача бўлади.

Юқорида айтганимиздек, Асқар Саъдиев яқинда водолазлик касбини эгаллаганлигининг 30 йиллигини нишонлади. Сув остида 10 минг соат бўлди. Бинобарин, бу 10 минг соат мардлик ва жасорат демакдир.

Яқинда Ватанимиз кўп йиллик фидокорона меҳнатини тақдирлаб, Асқарнинг кўксига «Октябрь революцияси» орденини тақиб қўйди.

— Табриклайман дўстим! — деди биринчи бўлиб устози Андрей Иванович Марченко унинг қўлини қисиб.

Р. СОБИТОВ.

СУВ ШАҲАРНИ «ШАМОЛЛАТАДИ»

Олатовнинг абадий муздиклари тез эриётганлигидан Қозоғистон пойтахти чекаларидаги сув омборлари шодасини тамомила тўлдириб олиш мумкин бўлди.

Бу ҳовузларда 50 миллион куб метрдан зиёд мусаффо муз суви йиғилди. Шаҳар бўсағаларини ярим халқа қилиб ўраб олган мана шу «маржон» Олмаота атмосферасини шамоллатишда теллаштирувчи ролини ўйнамоқда.

Хўш, бу иш қандай бажарилади? Ёзда муздиклардан бошланувчи жилға сувлари билан тўлган ҳовузлар атрофдаги қуруқликдан анча совуқроқ бўлади. Шунинг учун шу қўлар устидаги атмосфера маълум баландликкача совуқроқ ва намроқ бўлади. Бунинг натижасида ҳаво айланиши вужудга келиб, салқин шабада ҳосил қилиб туради.

Бу йил республика гидрометеорологлари Капчагай сув омбори вужудга келтирадиган микроқлим зонаси чегараларини аниқлашни мақсад қилиб қўйган тадқиқотлар ўтказдилар.

В. ГАНЖА.
ТАСС мухбири.
Олмаота.



АНДИЖОНДАГИ клиника шифохонаси замонавий услубда қурилган бўлиб, беморларнинг соғайиб кетиши учун қулай имкониятларга эга. Суратда: шифохонанинг умумий кўриниши. У. Раҳимов фотоси.

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚА ҚИЛУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИ III РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон дўстлик жамияти III-республика конференцияси шу йилнинг 30 августида эрталаб соат 10 да Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбекистон Давлат академик театри биносида очилади.

Конференция делегатларини рўйхатга олиш театр фоесида эрталаб соат 9 дан бошланади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО ВИЛИМ ЮРТИ
1973—1974 ўқув йилига
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти баққоллик-кондитер, гастрономия моллари, гўшт-балиқ маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, газмол, тайёр кийим, пойафзал, трикотаж-галантерея, атир-упа, уй-рўзғор молларини сотиш учун юқори малакали сотувчилар, консультант-сотувчилар, контролер-кассирлар тайёрлайди.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ВА 2 ЙИЛ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига ўрта (10 синф) ва тўлиқсиз ўрта (8-9 синф) маълумотли, 20 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ҳамда Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган 23 ёшгача бўлган йигитлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатгандан сўнг «ишчик сотувчи», «сотувчи», «консультант-сотувчи», «контролер-кассир» малакаси берилади.

Билим юрти ўқувчилари 26 сўм стипендия, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ўқиш муддатининг иккинчи йилида магазинларда мустақил равишда кичик сотувчи бўлиб ишлайдилар. Бу вақтда улар Тошкент шаҳрининг энг яхши магазинларидан бирида ишлаб чиқариш практикасини ўтайдилар ва иш ҳаки оладилар.

Билим юртидаги ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар, нераз маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси), тугилганлик ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси), турар жойидан справка, соғлиги ҳақида справка (286-форма), учта фотосурат (3х4 см), шаҳар савдо бўлимининг йўлланмаси.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-86, «Оқтепа» массиви, Самарқанд-Дарвоза кўчаси, 60-уй.

ЖАРҚУРҒОН ШАҲРИДА
1. 2 СЕНТЯБРДА
1973 ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТОРЕЯСИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЧИКАРИЛИШИ ВЎЙИЧА
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ
Лотерея билетларини сотиб олинг!

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институтининг коллективи институт лабораторияси бошлиғи И. С. Ўруновга отаси

Санд Солиевич УРУНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Оҳангарон районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози правлениесининг раиси

Ҳошим ЭЛБУСИНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги аппарати коллективи секретариат мудири Э. Г. Галиқеевга онаси

Зокия Харисовна ГАЛИКЕЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Редактор ўринбосари Ж. ЖАББОРОВ.